

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ  
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ  
ЖАҲОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*

4-курс 404-гурух талабаси

**ЎРИШЕВ ҚОДИРЖОН**

**КАВКАЗ ХАЛҚЛАРИНИНГ 1825-1860  
ЙИЛЛАРДА ОЛИБ БОРГАН МИЛЛИЙ-  
ОЗОДЛИК КУРАШИ**

5120300 – “Тарих” (минтақалар ва мамлакатлар бўйича) таълим  
йўналиши бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ**

Иш раҳбари: катта ўқитувчи Б. Абдуллаев

Андижон – 2017 йил

## **М У Н Д А Р И Ж А**

<b>1. Кириш .....</b>	<b>3-12</b>
<b>2. Россия томонидан Кавказни босиб олишга қаратилган ҳаракатлар .....</b>	<b>13-21</b>
<b>3. Кавказни босиб олишда Россиянинг рақобатчилик кураши..</b>	<b>22-42</b>
<b>4. Кавказ халқлари олиб борган миллий-озодлик кураши.....</b>	<b>43-55</b>
<b>5. Хуроса .....</b>	<b>56-60</b>
<b>6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>61-62</b>
<b>7. Иловалар .....</b>	<b>63</b>

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарбилиги.** Ҳозирги вақтга келиб, Ватанимиз ва жаҳон тарихига ватанпарварлик нуқтаи назаридан қизиқиш ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов «Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди”<sup>1</sup>, - деган эди.

Собиқ совет давлати ҳукмронлик йилларида энг қадимги даврдан то XX аср охирига қадар бўлган тарихимиз соҳталаштирилди. Эндилиқда, яъни истиқтол йилларида тарихшунослигимизда бир қатор амалий ишлар амалга оширилди. Ватанимиз ва жаҳон тарихига эътибор борган сари ривожланиб бормоқда.

Ҳозирда жаҳон мамлакатлари тарихинининг ҳар бир атрибутига эътибор қаратиш, уни ўрганиш, таҳлил қилиш, хатоларни қўлламаслик, ижобий жиҳатларни ватанимиз тараққиётида қўллаш муҳим хисобланади.

Ўзликинангаш - энг аввало ўтмишни ўрганишда, тарихга эҳтиёж сезишдан бошланади. Дарҳақиқат ўзини англаётган, ўзини тушунаётган ҳар бир инсон ўз аждодлари ким бўлганлиги, ота-боболари нима билан шуғулланганлиги ва қандай ҳаёт кечирганлигини билиб олишга интилади.

Биринчидан: сиёsat тарихи, унинг ўзига хос оқибатлари турли давлатлар, сиёсий ва носиёсий ташкилот ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, уларнинг манфаатларига мос тушадиган тамойилларга асосланиш зарурлигини тақазо этади.

Иккинчидан: бугунги қунгача жаҳон цивилизациясига катта хавф солиб турган қуроллар (ядро қуроли, кимёвий қуроллар) тўпланиб қолганлигини ва уни цивилизациясига бўлган ҳаракатининг мавжудлигини ва

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқтол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992. - Б.71.

унинг олдини олиш билан боғлиқ.

Учинчидан: халқаро муносабатларда айрим давлат раҳбарлари, сиёсий партиялар ва шахсларнинг бир томонлама қарашларининг ҳамон сақланиб қолаётганлиги, янги қуролларнинг сивилизатсияга бўлган интилишлари, давлатларга нисбатан муносабатда “зўравонлик”, “кучга ҳаракатлари” ва ундан манфаатдор кучларнинг мавжудлиги, халқаро сиёсатда ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлида, ихтилофлар пайдо бўлганда уни сиёсий йўллар билан ҳал этиш маърифий йўл эканлигини тан олиш зарурияти билан боғлиқ.

Давлатлар ўртасидаги муносабатларни “кучга таянган ҳолда” ҳал этиш инсоният бошига оғир мусибатларни келтириб чиқариш аниқ. Бунга инсоният тарихида бўлиб ўтган қонли урушлар мисол бўлиб, буни ҳар бир сиёсатдон эсдан чиқармаслиги зарур.

XX аср халқаро муносабатларда содир бўлган муҳим ўзгаришлар билан ҳарактерланади. Бугунги халқаро муносабатлар назариясида “ташқи сиёсат” тушунчаси билан бирга халқаро сиёсат тушунчаси ҳам кенг ишлатила бошланди.<sup>2</sup>

Ташқи сиёсат - бу давлатларнинг мамлакат ташқарисида давлатлараро муносабатларда ўзининг миллий ва умумбашарий мақсадлари, хавфсизликни та`минлашга йўналтирилган фаолиятдан иборат.

Халқаро сиёсат - бу халқаро муносабатларда иштирок этадиган турли давлатлар, субъектлар, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, сиёсий ва носиёсий ташкилотлар, ижтимоий групкалар ва шахсларнинг халқаро меёrlар, нормалар, қадриятлар асосида ўзаро муносабатларни сақлаб туришга қаратилган фаолиятдир.

Халқаро сиёсат алохида шахслар ёки давлатлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнигина эмас, балки муайян групкалар ёки давлат манфаатларининг

---

<sup>2</sup> Холлиев А., Тухтабаев А. История международных отношений и дипломатии (учебно-методическое пособие). - Ташкент. 2002. – С.5.

амалга ошириши бўйича алоқаларни, фаолиятлари соҳаларини ҳам ўз ичига олади. Халқаро муносабатлар халқаро сиёсат, иқтисодий – ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ бўлади ва давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутади.

Ҳар бир давлатнинг ривожланиши ташқи омиллар билан боғлиқ бўлиб, бу боғлиқликнинг та`сири тоборо ошиб бормоқда. Бу ўз навбатида, бугунги умумбашарий муаммолар билан боғлиқ. Чунончи, тинчлик учун кураш, уруш хавфини олдини олиш, экология, аҳолини озиқ-овқат билан та`минлаш билан боғлиқ муаммолар жаҳон жамоатчилигининг дунё олдидаги мас`улиятини оширмоқда. Бу муаммолар ҳар бир давлатнинг ички сиёсати билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам уларни бир-бирини тушунган ҳолда сиёсат олиб боришга унダメоқда ва бундай сиёсат тарафдорлари қўпаймоқда.

Халқаро сиёсатда қўлланган халқаро нормалар, тамойилларга амал қилиш, ўзаро муносабатларда “бир томонлама” манфаатдорликни назарда тутган ҳолда сиёсат олиб бориш ёки муносабатда бўлиши факат давлатларнинг ривожига салбий та`сир этиб қолмасдан, умуман дунёда сиёсий барқарорликни бузулишига сабаб бўлади.

Маълумки халқаро сиёсатда давлатлар ўртасидаги муносабатларда амал қиласиган қонуниятлар ва тамойиллар давр ўзгариши билан ўзгариб туради. Масалан халқаро сиёсатда XX асрнинг бошларидан 80-йилларгача “кучга таяниш” асосида муносабатлар билан ички сиёсатда “ҳарбий куч-кудрати” мустахкамлаш билан боғлиқ фаолиятлар кўзга ташланади. Халқаро муносабатларда давлатларга нисбатан “душманлик” ёки ишончсизлик билан ёндошиш улар ўртасидаги муносабатларнинг асосига кучди. Натижада XX асрнинг охирида дунё сиёсий харитасида ўзгаришлар содир бўлди, жаҳон ҳамжамияти шаклланди.<sup>3</sup>

---

<sup>3</sup> Холлиев А., Тухтабаев А. История международных отношений и дипломатии (учебно-методическое пособие). - Ташкент. 2002 г. – С.10.

Биз ўрганаётган мавзуу, яъни “Кавказ халқларининг 1825-1860 йилларда олиб борган миллий-озодлик кураши” мавзуси нафақат Кавказ халқлари тарихида, балки жахон тарихидаги долзарб мавзулардан бири саналади.

Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Чечен, ва бошқа жойлар иқтисодий ва ҳарбий стратегия жиҳатдан Туркия, Эрон ва россия учун катта аҳамиятга эга эди. Шунинг учун Кавказ узоқ йиллар мобайнида ўша давлатларнинг жанг майдонига айланган эди. Кавказ Эрон ва Туркия узоқ вақт ҳукмронлик қилган эди.

Бирок XVIII асрнинг охириларига келиб, Россия Кавказни босиб олишга киришди. Бу вақтларда Кавказда марказлашган ва қудратли давлат бўлмай, қатор князлик ва хонликлар ҳукм суриб, ўзаро келишмовчилик ва тўқнашишлар кўзга ташланмоқда эди. Аҳолининг сони унчалик кўп эмас эди. Масалан, Азарбайжандаги Боку хонлигига – 9144, Дарбонда – 10000, Шакинда – 90000, Қорабоҳда – 84000, Ширвонда – 144000 киши яшаганлар.<sup>4</sup> Гурузия ва Арманистонда ҳам аҳолининг сони кўп эмас эди. Умуман айтганда, Кавказ халқларининг ҳаёти оғир бўлиб, кучли ҳарбий, биринчиси Россияга, иккинчиси Эрон ёки Туркияга таянишга мажбур бўлган эди.

Аммо маҳаллий халқлар мустақиллик ва озодлик учун имкони борича Россияга қарши курашдилар. Бирок уларни бошқаришга қодир кучли шахс топилмаганлиги ва ҳукуматнинг ўта заифлиги сабабли ғалабага эриша олмадилар. Бунга Эрон билан бўлган урушлар ҳам ўз таъсирини кўрсатди. 1795 ва 1797 йилларда Эрон ҳарбий юриш уюштириб, Азербайжан ва Тибилисини эгаллади.

Бундай фурсатни орзиқиб кутаётган Россия Кавказга ҳарбий қўшин киритиб Дарбандни, Бокуни, Гянжинни, Қорабоҳни, Ширвон ва Шакинни босиб олди.

---

<sup>4</sup> Зиёев Х. Россиянинг Қозон, Астрахан, Сибир, Крим, Кавказ ва Туркистонга тажовузи ва ҳукмронлигига қари курашлар. – Т.: Янги аср авлоди. 2012. – Б.66.

Афтидан, бу ерларда қўшинни ушлаб туришга зарурият бўлмаса керакки, император Павел I уни Россияга қайтарди.

Бироқ, XIX аср бошларидан Россия Кавказни босиб олишга қаттиқ киришди. Чунки у ерда Эрон ва Туркия ҳукмронлиги ўрнатилишига йўл қўймаслик зарурияти туғилган эди.

Натижада, 1801-1815 йилларда Россия Озарбайжон ва Грузиянинг кўп қисмини ва Қора дengиз қирғонининг айrim жойларини босиб олди. 18116-1829 йилларда Шарқий Арманистон ва Қора дengиз қирғонининг бир қисмини эгаллади. 18116-1829 йилларда Рус давлати Шарқий Арманистон ва Қора дengиз қирғоқларининг катта қисмини қўлга киритди. XIX асрнинг 20-60-йиллар орасида Россия Кавказни томонида бўйсундирди. Бу ғалаба осонликча қўлга киритилгани йўқ, албатта. Аввало, маҳаллий халқларнинг курашини бартараф қилиш билан бир қаторда, Кавказда ҳукмронлик учун 1804-1813 ва 1826-1828 йилларда Эрон, 1806-1812 ва 18-28-1829 йилларда Туркия билан жанглардан кейингина Кавказ қўлга киритилган эди.

Россия Кавказни босиб олишда кўпроқ Эрон ва Туркиянинг қаршилигини тор-мор этиш билан шуғулланди. Уларнинг ўзаро олиб борган урушлари орқасида Кавказ ҳалқларидан минг-минглаб кишилар ўлдирилди, шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлиб, катта талофатларга мубтало бўлинди. Шундай қилиб, Россия дунёнинг гўзал минтақаларидан бирини босиб олиш билан бирга, қора дengиздаги ҳукмронлигини янада мустаҳкамлашга мувофиқ бўлган эди.

Рус давлати гарчанд Кавказнинг асосий жойларини босиб олган бўлса-да, лекин Доғистон ва Чеченни қўлга кирита олмади. Хатто ҳарбий юришларнинг самараси бўлмай, мағлубиятга учраган вақтлари оз эмас эди.

Россия империясининг Кавказ ҳалқларига нисбатан юргизган мустамлакачилик, улуғ давлатчилик ва шовинистик сиёсати албатта қонуний суратда маҳаллий аҳолининг ўз миллий озодлиги, эрки ва инсоний хақ – ҳукуқларини ҳимоя қилиш учун муқаддас жангга отлантиради. Империя

томонидан асоратга солинган, мустамлака қилинган халқлар дастлабки кунлардан бошлаб ўз миллий мустақиллеклари, озодликлари ва эрклари учун муқаддас курашиб келдилар.

Бу вактларда Дөғистон ва Чечен Кавказнинг босқинчилариға қарши кураш марказига айланган эди. Улар кичик ва халқи оз бўлишига қарамай, ватанпарварлиги ва жанговорлиги ниҳоятда кучли бўлганлиги учун Россиядек қудратли империяга қарши қаҳрамонларча жанг қилиб, ғалабаларни қўлга киритган эди. даставвал мустақиллик ва озодлик учун кураш 1830 йилда Дөғистон Имом Ғози-Мухаммад бошчилигидан бошланганди. Ўша йили рус қўшини мағлубиятга учратилиб, Имом Ғози-Мухаммаднинг мавқеи ва обрўи ошди. 1831 йилда у Туркия ва Қизилларни босиб олиб, кучига –куч қўшилди. 1832 йилда Ғози-Мухаммад рус қўшини билан бўлган жангда халок бўлди.

Шундан кейин унинг ўрнини эгаллаган Имом Ғамзатбек курашни давом эттириб, бутун Дөғистон ва Азарияда мавқеини мустаҳкамлашга эришди. Аммо 1834 йилда душманлари томонидан ўлдирилди.

1834 йилда Имом унвонига сазовор бўлган Шомил сиёсий майдонга чиқди. У 1797 йилда Дөғистондаги Унцукул туманида туғилиб, ёшлик вақтларида ёқ ўзининг ақл-идроқи ва истеъдоди, жасорати ва уддабуронлиги билан элга танилган эди.

Аввало, у қўшиннинг ҳарбий қуроллари билан таъминлашга ва жанговорлигини оширишга катта аҳамият берди. Ўзларида ишлаб чиқарилган тўпларнинг сонини 50 тага етказди.

Натижада, Дөғистон ва Чеченни ўз ичига олган анча кучли давлат юзага келган эди. Шунинг учун ҳам рус қўшинларининг устидан бир неча маротаба ғалабага эришган эди.

1837 йилда Шомил бошчилигидаги ватан ҳимоячилари генерал К.Фези қўмондонлик қилаётган рус қўшинини мағлубиятга учратди. Шу боис, генерал Шомил билан тинчлик сулухини тузишга мажбур бўлди. Аммо

1839 йилда рус ҳукумати тинчлик сулухини бузиб, ҳарбий юришни бошлаб юборди. Чеченнинг ўзида ҳам Рус давлатига қарши кураш бошланиб, ватан ҳимоячилари Лазарев, Вельминов, Михайлов ва Николаев сингари рус истеҳкомларини босиб олдилар, бироқ кўп ўтмай, рус қўшини Чеченни эгаллашга эришди. Чеченлар эса Шомил қўшинига қўшилиб, биргаликда курашни давом эттиридилар.

1840-1843 йилларда Шомил жангда рус қўшинини бир неча маротаба мағлубиятга учратди. Бу вақтда аскарлари 20 минг кишига етказилди. 1845 йилдаги тўқнашувда ҳам ватан ҳимоячилари ғалабани қўлга киритдилар. Кавказдаги ҳарбий қисмларнинг офицер ва солдатларини 200 минг кишига етказди.<sup>5</sup> Бу вақтга келиб, кўп йиллар мобайнидаги жангларда кўрилган талофатлар ва ташқаридан ёрдам берилмаганлиги орқасида Шомил қўшинининг аҳволи анча оғирлашган эди.. шунга қарамай, ватан ҳимоячилари курашишдан юз ўгирмади.

1854-1856, 1856-1859 йилларда ватан ҳимоячилари ва рус қўшини ўртасида жанглар бўлиб, пировардида 1859 йилда вата ҳимоячилари тор-мор этилиб, Шомил асир олинди.

Бироқ шимоли-ғарбий Кавказ ватан ҳимоячилари курашни давом эттиридилар. 1862 йилда уларга қарши рус қўшининг сони 60 минг кишига оширилди. 60-70 йиллар орасида ватан ҳимоячилари билан жанг қилинди. Ўша йилларнинг охирида Россия томонидан Чечен, тоғли Догистон ва шимолий Кавказ тамомила эгалланди. Шомил эса асир олинди. Шомил, аввал Калуга шахрига, сўнг Киевга сургун қилинди. Унга Мадинага хажга боришга руҳсат берилди. 1871-йилда у бу ерда вафот этди. Догистон ва Чеченда Россия тажовузига қарши қаҳрамонона курашлар бир неча ўн йилларга чўзилди. Шаҳсан Шомил бошлиқ ватан ҳимоячилари салкам ўттиз йил мобайнида Россия империяси билан уруш ҳолатида бўлди. Бу халқ

---

<sup>5</sup> Зиёев X. Россиянинг Қозон, Астрахан, Сибир, Крим, Кавказ ва Туркистонга тажовузи ва ҳукмронлигига қари курашлар. – Т.: Янги аср авлоди. 2012. – Б.68.

оммасининг ватанига ўта содиклиги, жасорат ва мардлигининг ёрқин намунаси ҳисобланди.

Доғистон ва Чечендек бир кичик мамлакатнинг Россиядек қудратли давлатга бас келиши кишини ҳайратлантиради.

Юқорида қисман келтирилган воқеаларининг барчаси Кавказ халқлари тарихининг кейинги тараққиёт жараёнига ўзининг таъсирини сезиларли даражада кўрсатганлигини яққол қўришимиз мумкин.

**Мавзунинг ўрганилиш даражаси.** Биз ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб олган мавзу, яъни “Кавказ халқларининг 1825-1860 йилларда олиб борган миллий-озодлик кураши” мавзусига кўплаб тарихчилар, сиёsatчилар томонидан мурожаат қилингандигини қўриб ўтишимиз мумкин. Масалан, тарихчи-олимларнинг айнан шу давр тарихи билан шуғулланганлигини мен интернет тармоғидаги мавзуга доир сайтлардан билиб олдим ва битирув малакавий ишимни тайёрлашдан ўша сайтлардан кенг фойдаланишга ҳаракат қилдим.

**Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари.** Хар бир инсон бирор бир ишга киришишдан аввал албатта ўз олдига мақсад ва вазифалар қўяди. Жумладан, менинг сиёsatшунослик, хусусан Кавказ давлатлари сиёsatшунослигига қизиқишим юқори эканлиги сабабли дунёни ларзага келтириган ва кўплаб талофатларга сабаб бўлган урушларни юзага келишига шароит яратиб берган сиёсий ўйинлар ва давлатларнинг ўз манфаатлари йўлида олиб борган сиёsatларини ўрганиб таҳлил қилишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Кавказ халқларида миллий-озодлик ҳаракатларини вужудга келишининг асл моҳиятини очиб бериш ва ўрганувчи ва қизиқувчиларга мавзуни тўлиқ тушунишларига қўмаклашиш ҳам олиб бораётган тадқиқотимизнинг асосий мақсади ҳисобланади. Ўрганаётган даврдаги Кавказ халқларининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётини ва мазкур давр дипломатиясини таҳлил қилиш ҳам битирув малакавий ишимизнинг вазифаларидан ҳисобланади.

**Битирув малакавий ишининг хронологияси.** Битирув малакавий ишининг хронологик даври XIX асрнинг иккинчи чорагини ўз ичига олади. Лекин мавзуунинг илмий аҳамияти ва узвийлигини ҳисобга олган ҳолда биринчи жаҳон урушигача бўлган даврни таҳлил этишни лозим топдик.

**Битирув малакавий ишининг объекти ва предмети.** Тадқиқотнинг назарий асосини Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов асарлари ташкил этади. Битирув малакавий ишимиз XIX асрнинг иккинчи чорагини қамраб олганлиги сабабли асосий эътибор ўша даврга оид нашрдан чиқкан мақолалар, илмий нашрлар, асарлар, илмий тадқиқот материаллари, мазкур давр тўғрисидаги материалларга қаратилади.

**Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги.** Биз ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб олган мавзу илмий тадқиқот учун янги ҳисобланади. Мавзуумизга боғлиқ мавзуларда бир қатор илмий тадқиқот ишлар амалга оширилганлиги бизга маълум. Айнан биз ўрганаётган “Кавказ халқларининг 1825-1860 йилларда олиб борган миллий-озодлик кураши” мавзусига алоҳида тўхтамаган. Ушбу битирув малакавий ишини тайёрлаш жараёнида, биз кўпроқ манбаларга, хрестоматик асарларга ва интернет сайтларидан олинган маълумотларга таянган ҳолда воқеа-ҳодисаларни қиёсий таҳлил асосида узвийлик, изчиллик, ҳолислик принциплари асосида ёритиб, таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

**Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти.** Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти шундаки, жаҳон тарихидаги бу қисқа давр тарихи, ундаги рўй берган ижтимоий- иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар, турли хил назарияларнинг вужудга келишини, сиёсий жараёнлар, уларнинг сабаб ва моҳиятини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш орқали янги-янги маълумотлар вужудга келади.

Битирув малакавий ишининг натижасига кўра, баён этилган фактик материаллар ва илмий хulosалардан Тарих факултети “Тарих” таълим йўналиши талабалари учун ўтиладиган “Жаҳон тарихи (Янги тарих)”,

“Халқаро муносабатлар тарихи”, “Сиёсатшунослик” ва бошқа фанлар маъруза ва семинар машғулотларида, талабаларнинг мустақил иш, курс ишларини тайёрлашда, тўгарак машғулотларини олиб боришда манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**Битирув малакавий ишининг тузилиши.** Мазкур битирув малакавий иши тузилиш жиҳатидан кириш, 000 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Битирув малакавий ишининг умумий ҳажми иловалардан ташқари электрон вариантда 000 бетни ташкил қиласди.

## **1. РОССИЯ ТОМОНИДАН КАВКАЗНИ БОСИБ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ҲАРАКАТЛАР**

Маълумки, XVI асрнинг 80-90-йилларида Россия Кавказ халқлари билан янада яқинлашади. 1586 йилда Кахетия шоҳи Александр рус фуқаролигини қабул этади. 1588 йилдан 1607 йилгача Грузиядан Россияга етти элчи келиб кетади. Россия билан Шимолий Доғистоннинг энг йирик мулки бўлган Тарковск шамхаллиги ўртасидаги муносабат ўша вақтдаёқ анча мустаҳкамланган ва кенгайган эди.

Шунингдек, 1783 йилда Шаркий Грузиянинг Россия протекторатига ўтиши грузин халқининг маҳаллий феодалларнинг жабр-зулмидан, шунингдек ташқи душманларнинг хужумларидан қуткармади. Тифлисга киритилган кичик рус отряди беш йилдан кейин Россияга чақириб олинди.

1795 йилда Эрой ҳукмдори Оға Мухаммадхоннинг галалари Шаркий Грузияга бостириб кириб, юриш вайрон қилдп. Картали-Кахети подшоси Ираклий II уларга қаршилик кўрсатишга уринса-да, лекин грузин халқ лашкарлари тор-мор қилинди, мингларча грузинлар қул қилиб олиб кетилди, босқинчилар Тифлисни таладилар ва унга ўт қўйиб юбордилар.

Ираклий II нинг илтимосига кўра, Россиядан Грузияга рус қўшинларининг отряди юборилди. Бундан ташкари, 1796 йилнинг кўкламида генерал Зубов қўмондонлигидаги рус экспедиция корпуси Каспий денгизи қирғоқлари бўйлаб Закавказьега борди. Дарбанд, Шемаха, Ганжадаги озарбайжонлик аҳоли рус қўшинларига дарбозани кенг очиб, уларни ўзининг дўстлари ва ҳимоячилар сифатида кутиб олди. Оға Мухаммадхон рус қўшинларининг келаётганлигидан ҳабардор бўлиб, ўз галаларини дарҳол Аракс дарёсининг нариги томонига олиб ўтди.

1796 йил охирларида таҳтга ўтирган Павел I рус қўшинларини Закавказьедан чақириб олди, Эрон хонлари эса дарғол бу фурсаддан фойдаландилар. Уларнинг галалари Қорабоғга бостириб кириб, Шушани

ишғол қилди. Оға Мұхаммадхон Грузияни яна таҳлика остига қўйди. Бу вазиятни эътиборга олиб, Ираклий II рус қўшинларини Грузияга киритишни сўраб рус хукуматига яна мурожаат қилди, шу билан бирга у, Россиянинг амалдаги қонунларини қабул этишни ва Грузиядаги конларни рус маъмурияти ихтиёрига топширишни ваъда қилди.

Тез орада Ираклий II вафот этиб, унинг ўғли ва набиралари ўртасида таҳт учун қаттиқ кураш бошланди. Грузин шаҳзодалари ва князлари ўзаро низо-адоватлар изтиробида Эрон хонларига ва турк пошшоларига ёрдам сўраб мурожаат қилдилар ва уларни Грузияга бостириб киришга атайлаб чақирдилар. Грузиядаги таъсирни тамомила йўқотиб қўйишдан қўрқкан Павел I 1799 йилда у ерга рус қўшинини юборди. Ираклийнииг таҳт вориси - унинг тўнгич ўғли Георгий XII русларнинг ҳимоясига кўз тикарди. У Петербургга элчилар юбориб, Грузиянинг баъзи бир автоном хуқуқларини сақлаган ҳолда уни “Россия табаалиги”га қабул этишни илтимос қилди.<sup>6</sup>

Бу вактда Грузия ва бутун Закавказье янги бир хавф остида қолган эди. Инглиз мустамлакачилари 1799 йилда Майсурни бўйсундириб, Ҳиндистоннинг ички районларида ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаб олгапларидан кейин,, Ўрта Шарқни босиб олиш пайига тушди; бунда улар Европадан Ҳиндистонга борадиган энг қисқа йўлларни, шунингдек, Олд Осиёдаги жуда кенг бозорларни қўлги киритишни мўлжаллар эди. 1800 йилда Ост-Индия компаниясининг элчиси капитан Жон Малькольм Техронга келди. У Эроннинг янги ҳукмдори Фатҳ Али шоҳни ҳарбий ва сиёсий хамкорлик тўғрисида Эрон-инглиз шартномаси тузишга кўндириди. Инглиз капитанининг агентлари шоҳнинг Грузия. Шимолий Озарбайжон ва Доғистон масаласидаги реваншлилик ниятларини қизитиб, шоҳ армиясини қуроллантира бошладилар. Британия офицерлари эса бу армияга ҳарбий инструкторлар сифатида хизматга кира бердилар. Инглиз буржуазияси Эрон сарбозларининг найзалари воситаси билан Кавказга йўл очиб, сўнгра уни ўз

<sup>6</sup> Тарле Е.В. История XIX века. - М.: 1939. – С.158.

мустамлакасига айлантироқчи эди.

Инглиз агентурасининг Эрондаги фаолияти Павел I нинг эътиборини тортди. Павел 1 Эрон хонларининг Шарқий Кавказни босиб олишига ва унинг инглиз буржуазиясининг мустамлака экспансияси таъсирига киритилишига йўл кўймаслик учун 1801 йил январнда Шарқий Грузияни Россияга кўшиб олиш ва унда подшолик қилаётган Багратионлар династиясини ағдариб ташлашга қарор берди. Бироқ бу қарор амалга оширилмасдан бурунроқ Павел I ўлдирилди. Георгий XII ундан бироз олдинроқ вафот этган эди.<sup>7</sup>

Александр I ташки ахволнинг чигаллашишидан хавфсираб, бу масалани қайтадан қараб чиқишига қарор берди. “Ёш дўстлар”, жумладан, Кочубей билан Новосильцев ёш императорни, Англия билан Россия ўртасидаги совук муносабатни яна ҳам кескинлаштирмаслик учун империянинг Кавказдаги чегарасини кенгайтирмасликка кўндирилдилар. Аммо бошқа амалдорлар, айниқса ҳарбий доираларнинг намояндлари Россиянинг жанубий чегараларини мудофаа қилиш ва Эрон ҳамда Туркия агрессиясига қаршилик кўrsatiшда жуда муҳим ўрин тутган Закавказъеда стратегик майдонга эга бўлиш зарурлигини исбот қилмоқда эдилар. Кавказнинг шимолида ва Азов бўйидаги чўлларда катта-катта ерлар олган кўпгина унвонли дворянлар жанубий чегараларнинг хавфсизлигидан бевосита манфаатдор эдилар, Грузиянинг табиий бойликлари ва унинг Европадан Осиёга борадиган қулай йўл устида жойлашганлиги ҳам муҳим роль ўйнар эди.

Пишиб етилган бу масала Давлат кенгашида муҳокама қилинганидан кейин 1801 йилнинг 12 сентябрида Александр I Шарқий Грузияни Россияга кўшиб олиш тўғрисидаги манифестни имзолади. Багратионлар династияси ҳокимиятдан четлаштирилди, Тифлисда рус амалдорларидан ҳамда уларнинг маслаҳатчилари бўлган грузин княzlаридан иборат Олий грузин хукумати

<sup>7</sup> Орлов А. Георгиев В, Георгиева Н, Сиховина История России - М., “Проспект” 2001. – С.397.

тузилди. Амалда мамлакатни рус қўшинларининг бош қўмондони - подшо генерали идора қиласар эди, кейинчалик у “Грузиянинг бош ҳокими” деб ном олди.<sup>8</sup>

Махаллий маъмурий идораларда ва суд муассасаларида контролсиз хўжайинлик қилган амалдорлар, одатда, Россия бюрократиясининг энг ёмон намояндалари эди. Аслда улар Грузияда махаллий дворянларнинг феодал эксплуатацияси системасини ва синфий имтиёзларини тўла саклаб қолиб, мустамлакачилик зулмии авж олдира бердилар.

Лекин, шунга қарамай, Грузиянинг Россияга қўшиб олиниши грузин халқи учун объектив-прогрессив аҳамиятга эга бўлди. Грузиянинг Россияга қўшиб олиниши грузин халқини осиёлик истилочиларнинг ва уларни қўллаб-кувватлаган инглиз мустамлакачиларининг қуллик асоратига тушиб қолиш хавфидан сақлади. Бу қўшилиш Грузиядаги феодал тарқоқликнинг секинаста йўқолиб бориши учун шароит яратди ва унинг халқини қулфуруушлик даҳшатларидан қутқазди. Бу қўшилиш Грузияда ишлаб чиқарувчи кучларнинг тезлик билан ривожланишига ва капиталистик муносабатнинг вужудга келишига ёрдам берди. Ниҳоят, илгор рус маданияти билан бевосита алоқа қилиш грузин зиёлиларининг ғоявий ва маданий ўсишига самарали таъсир кўрсатди.

Россия империяси Закавказье даги майдон (плацдарм) ни кенгайтириш ниятида Ғарбий Грузияни ҳам Россияга қўшиб олишга интилмоқда эди. Аммо империя ҳукумати Туркиянинг норози бўлишидан чўчиб, бунда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишга мажбур бўлди. У махаллий хокимларнинг ички идора ишларидаги мустақиллигини сақлаган ҳолда уларни ўз химоясига олиш билангина кифояланди. Шу шарт билан 1803 йилда Мегрелия хокими Григорий Дадиани, 1804 йилда эса Имеретия подшоси Соломон II Россия протекторатига кирди.

Бу эса Ғарбий Грузияда рус гарнизонларини жойлаштириш ва Қора

---

<sup>8</sup> Головатенко А. История России: спорные проблемы. - М., 1993. - С.401.

денгиз орқали Закавказье билан алоқа қилишга имкон берди.

1803-1804 йилларда Шарқий Закавказье даги Жар-Белакан области ва Ганжа хонлиги Россияга қўшиб олинди. Рус қўшинлари эронпараст Ганжа хони саройига ҳужум қилаётганларида у ўлдирилди. Ганжа шаҳрининг номи ўзгартирилиб Елизаветполь деб аталди, илгариги хон територияси Елизаветполь округи бўлиб қолди.<sup>9</sup>

Грузиянинг Россияга қўшиб олиниши натижасида арманлар билан озарбайжонликлар Россия ҳимоясига сифинишга яна қаттиқроқ интила бошладилар, улар Россия ёрдамида Эрон хонларининг жабр-зулмидан кутулишни яна умид қила бошладилар. Шунинг учун Фатҳ Али шоҳ русларни Закавказье тупроғидан суриб чиқариб, Грузияни Россиядан тортиб олишга қарор берди. Шу мақсадда у 1804 йилда Россияга қарши реванш урушини бошлади.<sup>10</sup>

Русларнинг кичик-кичик отрядлари Шарқий Арманистонда шоҳ қўшинларини бир неча марта жиддий мағлубиятга учратиб, Эревани қамал қилдилар, лекин кузда бу отрядлар Грузияга қайтарилиди. 1805 йил ёзида уруш ҳаракатлари асосан Шимолий Озарбайжон териториясида бўлди. Рус қўшинларининг қозонган янги муваффақиятлари Қорабог, Шеки ва Ширвон хонликларини Россияга қўшиб олишга ёрдам берди. 1806 йилда рус қўшинлари Дарбанд билан Бокуни ишғол қилдилар. Бироқ Россия билан Туркия ўртасидаги муносабатнинг кескинлашиб кетганлиги Россия-Эрон урушининг бундан кейинги боришига айниқса руслар учун салбий таъсир кўрсатди.

Россия 1799 йилдан эътиборан Туркия билан иттифоқчилик шартномаси туфайли боғланган эди. Халқаро ахволнинг мураккаблиги подшо дипломатиясини бу иттифоқни маҳкам сақлашга ва Туркияга нисбатан тўла самимий мунсабатда бўлишга мажбур этмоқда эди. Лекин

<sup>9</sup> Орлов А. Георгиев В, Георгиева Н, Сиховина История России - М., “Проспект” 2001. – С.405.

<sup>10</sup> Тарле Е.В. История XIX века. - М.: 1939. – С.235.

Россия 1805 йилда Европада Наполеонга қарши урушда муваффақиятсизликка учраганидан кейин Туркияning ҳукмрон доиралари Наполеон агентларининг таъсирига тушиб қолди. Бу агентларнима қилиб бўлса ҳам Россия билан Туркия ўртасидаги иттифоқни бузишга ҳаракат қилдилар. Наполеон Крим ва Грузияни Россиядан ажратиб олишда турк султонига ёрдам беришни ваъда қилиб, султонни реванш уруши қилишга ниқтар эди.

Турк халқининг манфаатларига зид бўлса ҳам, султон 1806 йилнинг охирида Россияга қарши янги уруш бошлади. Бу урушда Болқон уруш майдони билан бир қаторда Кавказ ҳам муҳим ўрин тутар эди.

1807 йил ёзида рус қўшинлари турк галаларининг Грузияга ва Дунай бўйидагп князликларга бостириб кириш учун қилган уринишларни қайтардилар. Русларнинг Кора денгиз флоти Анапа қалъасини эгаллади. Россия турк истибодига қарши 1804 йилдаёқ қўзғолон кўтарган сербларга Россия ҳарбий ёрдам кўрсатди. Рус армиясининг асосий кучлари империянинг ғарбий чегарасига олиб кетилганлиги сабабли рус қўмондонлиги душман устидан қатъий ғалаба қозонолмади. Россиянинг Эрон ва Туркияга қарши олиб борган урушининг чўзилиб кетишига асосий сабаб мана шу эди.

1808 йилнинг кузида Наполеон Александр билан Эрфуртда учрашганида Россия билан Туркия ўртасидаги музокарада воситачилик қилишидан воз кечди, чунки Наполеон Франция билан Австрия ўртасида яқинлашиб келаётган урушда Франция томонида туриб қатнашишга подшонинег ваъдасини оларман деб ўйлаган эди. Аммо бу вақтда Туркияning ҳукмроли доиралари Англия билан алоқа қилиб, Туркияning Россияга қарши урушида Англиянинг ёрдам бериш ваъдасини олган эдилар.

Кавказда Россия табаалигига ўтган Абхазия ҳокими билан рус қўшинлари битишиб, 1810 йилда туркларни Сухумидан суриб чиқардилар. Бундан олдинроқ рус қўшинлари Анапа ва Потини ишғол қилиб, Гурия

тупроғига кирган эдилар 1811 йил декабрида генерал Котляревский отряди тогдан жуда қийинлик билан ошиб ўтиб, тунги ҳужум натижасида Ахакалаки кальасини олди. Кавказ халқлари Россиянинг ғалабасини Эрон ва турк феодалларининг истибдодидан тамомила озод бўлиш, шунингдек уларнинг яна агрессия қилишидан амин бўлиш гарови деб билардилар. Шунинг учун Кавказ халқлари рус қўшинларининг урушда муваффақият қозонишларига қўлларидан келган ёрдамни аямадилар. Ерли халқ лашкарлари ҳарбий ҳаракатларда актив қатнашдилар.

Подшо ҳукуматининг урушнинг бутун оғирлигини меҳнаткашлар гарданига юклашга уриниши, ҳазинага тушадиган солиқлар ва бажариладиган мажбуриятларнинг ҳаддан ташқари ошириб юборилиши, подшо лашкарбошиларининг ўтакетган ўзбошимчалиги Закавказье дехқонларининг норозилигини ўз-ўзидан келтириб чиқарди. Бунинг натижасида Кавказда подшо амалдорлари ўрнатган мустамлакачилик режимига дехқонлар оммавий суратда қарши чиқадиган бўлдилар. 1812 йилда Кахетиядаги дехқонлар қўзғолони бу чиқишларининг энг каттаси эди. Закавказьени Россиядан ажратиб олишга, феодал тарқоқлиги режимини қайта тиклашга ва қисман қўлдан кетган феодаллик имтиёзларини яна қайтариб олишга интилган грузин князлари ва Озарбайжон хонлари мустамлакачиликка қарши қаратилган оммавий чиқишлардан фойдаланишга уринганлари сингари, Кахетия қўзғолонидан ҳам фойдаланмокчи бўлиб бехуда уриндилар. Маҳаллий феодал-монархия “миллатчилиги” лидерларининг бу реакцион муддаолари, аслида, дехқонларнинг феодализмга қарши ҳаракатларига сира ўхшамас ва бу ҳаракатлар билан ҳеч бир алоқаси йўқ эди. Маҳаллий феодалларнинг Россияга қарши кураши уларни мантиқан Россия душманлари лагерига олиб келди. Маҳаллий феодаллар тўғридан-тўғри ватанга хиёнат қилиш йўлига кириб, турк ва Эрон истилочиларининг агентларига айландилар. Россияга қўшиб олинишга эмас, балки рус чоризмига қарши чиққан халқ оммасидан мадад ололмаган феодал-зодагон

лидерлар чет элга қочиб кетиб, ўз халқларининг ашаддий душманлари бўлган турк поишолари ва Эрон хонларининг паноҳига сиғиндиilar. Масалан, Грузиянинг ташки чегараларини кўриқлаб турган рус қўшинларига қарши ичкаридан туриб исён кўтаришга уриниб муваффақиятсизликка учраган Имеретия подшоси Соломон II 1810 йили Туркияга қочиб кетган эди. Шундан кейин Имеретия рус ҳукумати қўл остига ўтди. Бундан олдинроқ Дарбанд ва Боку хонлари Эронга қочиб кетган эдилар.

Узоқ музокарадан кейин Кутузов туркларни сулҳ шартномаси тузишга кўндириди. Сулҳ шартномаси 1812 йил 16 майда Бухарестда имзоланди. Молдавиянинг Днестр билан Прут дарёлари ўртасидаги қисми Россия қўлига ўтди. У кейин Бессарабия деб атала бошлади. Бу ҳол молдаван халқининг тақдирида ижобий роль ўйнади. Россия Кавказда “курол кучи билан қўлга киритилган” пунктларни (Анапа, Поти, Ахалкалакини) Туркияга қайтариб бериши керак эди, лекин “ихтиёрий суратда қўшилган” ўлкаларни (Абхазия, Мергелия, Гурияни) қўлига киритиб одди. Шу билан Россия Қора денгиз соҳилида 200 километрдан зиёдроқ келадиган ерга бўлди.

Бухарест сулҳи Закавказъеда рус қўмондонлигига бутун қучни Эронга қарши тўплаб, узоққа чўзилиб кетган Россия-Эрон урушини муваффақият билан тугаллашга имкон берди.

1813 йилда Озарбайжоннинг Гулистон қишлоғида Россия билан Эрон ўртасида сулҳ шартномаси тузилди. Бу шартномага мувофиқ шоҳ Шимолий Озарбайжон билан Доғистоннинг Россияга қўшиб олинганлигини тан олди.<sup>11</sup>

Феодалларнинг деҳқонлар оммасини эксплуатация қилиш системаси сақланиб қолганлигига ва подшо ҳарбий маъмурларининг маҳаллий аҳолига нисбатан ўзбошимчалик қилишларига қарамай, Озарбайжоннинг Россияга қўшиб олиниши Закавказъедаги бошқа халқлар учун қандай объектив-прогрессив аҳамиятга эга бўлган бўлса, Озарбайжон халқи учун ҳам худди шундай объектив-прогрессив аҳамиятга эга эди. Озарбайжоннинг Россияга

<sup>11</sup> Тарле Е.В. История XIX века. - М.: 1939. – С.368.

қўшиб олиниши уни ташқи хавфдан қутқазди, феодал тарқоқлигини тугатиш ва бошқа мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга имкон берди. Бу эса Озарбайжоннинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш ва аҳолининг маданиятини юксалтириш учун анча қулай шароит яратиб берди.

## **2. КАВКАЗНИ БОСИБ ОЛИШДА РОССИЯНИНГ РАҚОБАТЧИЛИК КУРАШИ**

XIX асрнинг 1-ярмида Россия ўзининг ташқи сиёсатидаги вазифаларини самарли хал қилиш учун анчагина имкониятларга эга эди. Бу эса мамлакатнинг миллий, геополитик, ҳарбий-стратегик ва иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб ўз чегараларини химоя қилиш ва худудларини кенгайтиришни ўз ичига оларди. Бу эса Россия империясини ўз чегараларида таркиб топишини ва шу билан бирга кўплаб қўшни халқларни унинг таркибиغا қўнгилли тарзда киришини ёки зўравонлик қилиб босиб олинишини англатарди.

Россиянинг дипломатик хизмати аниқ йўлга қўйилган, разведкаси эса тармоқланган эди. Армия 500 минг кишидан иборат бўлиб, яхши экспировка қилинган ва ўргатилган эди. Россиянинг ғарбий Европадан 50-йилларнинг бошларига қадар ҳарбий-техник жиҳатдан орқадалиги сезиларли бўлмаган. Бу эса Россияга халқаро майдонда муҳим ҳал қилувчи ролни ўйнаш имконини берган.<sup>12</sup>

Россиянинг ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари, XVIII асрдаёқ уулкан Евросиё империяси сифатида шакллана бошлаганидаёқ белгиланган эди.

Жанубда Усмон империяси ва Эрон билан ниҳоятда оддий бўлмаган ўзаро муносабатлар юзага келди. Туркия XVIII аср охирида Қора денгиз қишлоқларини руслар томонидан босиб олиниши ва биринчи навбатда Кримни Россияга қўшиб олиниши билн келиша олмасди. Қора денгизга чиқиш Россия учун алоҳида иқтисодий, мудофаа ва стратегик ахамиятга эга эди. Босфор ва Дарданел каби Қора денгиз бўғозларида қулай тартибни таъминлаш муҳим муаммолардан эди. Булар орқали эркин ўтадиган рус савдо кемаларининг фаолияти давлатнинг улкан жанубий районларининг

<sup>12</sup> Павленко Н.И. и др. История России. - М., 1992. – С.269.

иқтисодий ривожланиши ва гуллаб-яшнашига имкон берарди. Қора денгизда чет эл ҳарбий кемаларининг сузишига йўл қўймаслик россия дипломатиясининг вазифаларидан бири бўлган. Россиянинг туркларни ички ишлари аралашувидаги мухим восита бу Кючук-Кайнаржи ва Яssi шартномаларига қўра Усмон империяси тобелигидаги христианларга русларнинг хомийлиги ҳукуқини қўлга киритиши эди. Бу ҳукуқдан Россия фаол фойдаланди, бунинг устига Болқон ҳалқлари унда ўзларининг ягона ҳимоячиси ва ҳомийсини қўришарди.

Кавказда эса Россиянинг манфаатлари Туркия ва Эроннинг бу худудларга даъво қилиши билан тўқнашди. Бу жойда подшо ҳукумати ўз мулкларни кенгайтиришга, Кавказортидаги чегараларни махкамлаб, муносабатлари алоҳида рол ўйнаб, уларни ўз таъсири остига тўла бўйисиндиришга интилди. Россиянинг Шимолий Кавказ ҳалқлари билан муносабатлари алоҳида рол ўйнаб, уларни ўз таъсири остига тўла бўйисиндиришга интилди. Бу эса, Кавказ ортидаги янги эгалланган худудлар билан эркин ва хавфсиз алоқани таъминлаш ва бутун Кавказ регионини Россия империяси таркибига махкам қўшиб олинишини таъмилаш учун зарур эди.

1824 йилда греклар турклар зулмига қарши қўзғолон қўтарили, порта ҳукумати қўзғолонни аёвсиз бостиришга киришди. Бундан ташқари сulton рус-турк келишувига зид равишда Дунай князликлари (Молдава ва Валахия)га қўшин киритди. Россия, Англия ва Франциянинг Грецияга автономия бериш талабини сulton рад этди. 1827 йил октябрида рус-инглиз эскадраси Новарин бухтасида турк флоти йўқ қилинди. Рус-турк муносабатлари кескинлашди. 1828 йил апрелида Россия Усмонлилар империясига уруш эълон қилди. 1828-1829 йиллардаги рус-турк урушида Кавказортида ва Болқонда руслар туркларга зарба берди. Туркия пойтахти яқинидаги Адрианополь шахри олиниб, 1829 йил сентябрида Адрианополь тинчлик сулхи имзоланди, Қора денгизнинг Кавказдаги қирғоқларни катта

қисми, арман областларини бир қисми, Туркиядан Россияга ўтди. Грецияга кенг автономия берилди, 1830 йилда мустақил грек давлати тузилди.

1826-1828 йиллардаги рус-эрон урушлари масаласида шуни таъкидлаш мумкинки, Эрон XIX асрнинг 20-йилларида 1813 йилги Гулистан сулхи бўйича қўлдан бой берилган ерларни қайтариб олиш мақсадида Англияning кўмагида Россия билан урушга фаол тайёргарлик кўрди ва Кавказортида ўз таъсирини тикламоқчи бўлди. 1826 йилда Эрон армияси қорабоғга бостириб кирди. Эрон бош қўмондони Тифлис йўналишини танлиб бир зарба билан Кавказортидаги рус ерларига бархам бермоқчи бўлди. Бирок рус қўшинлари арман ва грузин кўнгилли отрядлари кўмагида 1827 йилда Эревань(Ереван) қалъасини, сўнгра жанубий Озарбайжон ва Тавризни эгаллади. Эроннинг мағлубияти маълум бўлиб қолгач 1828 йил февралида Туркманчой тинчлик сулхи тузилиб, унга кўра Эреванъ ва Нахичеванъ Россия таркибиға кирди. 1828 йилда Арман обласи ташкил топди, бу эса арман халқининг бирлаша бошлишига асос бўлди.

XIX асрнинг 20-йилларида рус-турк ва рус-эрон урушлари оқибатида Кавказнинг Россияга қўшиб олинишини иккинчи даври якунланди. Грузия, Шарқий Арманистон, Шимолий Озарбайжон Россия империясининг бир қисми бўлиб қолди. Шимолий Кавказнинг Россияга қўшиб олиниши бу режадаги сиёsatнинг учинчи ва энг қийин даври бўлди. Бу худудда Туркия ва Англияning таъсирини олдини олиш мақсадида Шимолий ва Шимолий-ғарбий Кавказда русларнинг сиёсати фаоллашди. қўйилган мақсадга молик халқлар билан тинчлик музокарали олиб бориш ва душманлик кайфиятидаги тоғлиқ жамоаларга қарши фаол ҳарбий харакатлар олиб бориш орқали эришилди. Доғистон ва Чеченистонда муридизм диний-сиёсий оқими тарқалиб улар русларга қарши ғазовот урушларини олиб боришган. Бу жойда юзага келган диний асосдаги имомат давлати 1829-1830 йилларда Россия билан уруш харакатлари олиб бориб бу уруш Кавказ уруши деб ном олди. 1834 йилда Шомиль имом давлат бошлиғи бўлди. Шомиль кучли армия

тузиб, ўз қўлида маъмурий харбий ва диний хокимиятни тўплади. Шомиль бошчилигидаги русларга қарши кураш 30-йил давом этди. 1859 йил агустуда Шомилни охирги таянч пункти Гуниб овули руслар томонидан эгалланди.

1853-1856 йиллардаги Крим урушида Россия, Усмон империяси, Англия, Франция ва Сардиния иштирок этиб, бу харбий тўқнашувда уларнинг хар бири ўз мақсадига эга эди. Россия учун Қора денгиз бўғозларидан ўтиш тартиби биринчи даражали ахамиятга эга эди. 1833 йилги Турклар билан Ункар-Искелеси сулхига кўра Қора денгиз чет давлатлар харбий кемалари учун беркилиб, Россия бу бўғозлардан ўз харбий кемаларини эркин олиб ўтадиган бўлди.<sup>13</sup>

XIX асрнинг 40-йилларида вазият ўзгарди. Европа давлатлари билан бир қатор келишувлар асосида бўғозлар биринчи марта халқаро назоратга олинди ва барча харбий флотлар учун ёпиб қўйилди. Натижада рус флоти Қора денгизда қамалиб қолди. Россия ўзининг харбий қудратига таяниб бўғозлар муаммосини янгидан хал этмоқчи, Яқин Шарқ ва ва Болқонда ўз мавқеъини кучайтиromoқчи бўлди.

Усмон империяси XVIII аср охири ва XIX асрнинг 1-ярмидаги рус-турк урушларида қўлдан кетган худудларни айтариб олишни хохларди.

Англия ва Франция эса Россияни буюк давлат сифатида яксон қилиб, Яқин Шарқ ва Болқон ярим оролида унинг таъсиридан маҳрум қилмоқчи эди.

Уруш харакатларини боришига тўхталсак 1853 йила Туркияга тайзиқ ўтказиш учун рус қўшинлари Модова ва Валахияга киритилди. Бунга жавобан турк султони 1853 йил октябрда Россияга уруш эълон қилди. уни Англия ва Франция кувватлади. Автрия “харбий нейтралитет” позициясини(нуқтаи назарини) эгаллади. Россия сиёсий жихатдан тўла яккаланиб қолди. Крим уруши икки даврга бўлинади. Биринчи, рус-турк кампанияси 1853 йил ноябридан 1854 йил апрелига қадар мувафақиятли олиб борилди. Иккинчи 1854 йил апрелидан 1856 йил февралига қадар

<sup>13</sup> Головатенко А. История России: спорные проблемы. - М., 1993. – С.286.

Россия Европа давлатларининг коалициясига қарши кураш олиб боришига тўғри келди.

Биринчи босқични асосий воқеаси 1853 йил нояброда Синоп бухтасидаги жангда адмирал П.С. Нахимов турк флотини ва қирғоқ батареяларини тор-мор қилди. Бу эса Англия ва Францияни фаоллаштириди, улар Россияга уруш эълон қилишди. Англо-француз эскадраси Болтиқ денгизида Кронштадт ва Свеаборгга хужум қилди. Англия кемалари Оқ денгизда Соловецк монастирни тўпга тутди, Камчаткада харбий кучни намойиш этишди.

Бирлашган англо-француз қўмондонлигининг бош мақсади Кримни ва Россияни харбий денгиз базаси Севастопольни босиб олиш эди. 1854 йил 2 сентябрда иттифоқчилар Евпаторий районида экспедицион корпусни тушура бошладилар. 1854 йил сентябрида Альма дарёси бўйида рус қўшини жангда мағлубиятга учради ва Богчасаройга чекиниши. Севастополь гарнizonи мудофага тайёргарлик кўрди. 1854 йил октябрида иттифоқчилар Севастополни қамал қилишди қалъа гарнizonи мислсиз қахрамонлик кўрсатди. Адмираллар В.А.Корнилов, П.С Нахимов, ва В.И.Истомин, харбий мухандис Э.Н.Тотлебен, артилерия генерал-лейтенанти С.А.Хруев, кўплаб солдат ва матрослар: И. Шевченко, Ф. Самолатов, П. Кошка ва бошқалар мардлик кўрсатиши.<sup>14</sup>

Рус армиясини асосий қисмини чалғитувчи операциялари: Инкерман ёнидаги жанг (1854 йил ноябр), Евпаторияга хужум (1855 йил февраль), қора дарё ёнидаги жанглар(1855 август) Севастополликларга ёрда бермади. 1855 йил августида Севастополни охирги штурми бошланди, Малахов қўргони кўлдан берилгандан сўнг мудофаани давом эттириш қийинлашди.<sup>15</sup> Севастополнинг катта қисми иттифоқчилар томонидан эгланди, бироқ у

<sup>14</sup> Карпилов А.А. Курс истории России. - М ., 1991 – С.208-209.

<sup>15</sup> Павленко Н.И. и др. История России. - М., 1992. –С.368.

жойда вайроналардан бошқа хеч нарса топа олмагач, улар ўз позицияларига қайтишиди.

Кавказдаги харбий харакатлар театрида Россия учун муваффақиятли бўлди. Туркия Кавказортига бостириб кирди, лекин йирик мағлубиятга учради, шундан кейин рус қўшинлари унинг худудига харакатлана бошлади. 1855 йил ноябрیدа турк қалъаси Карс эгалланди. Иттифоқчиларнинг кучларини Кримда ўта холсизланиши ва Кавказдаги русларнинг муваффақиятлари харбий харакатларни тўхтатилишга олиб келди. Томонларнинг музокаралари бошланди.

Париж сулхи 1856 йил марта мартида имзоланди. Россия сезиларли территориал йўқотишларга учрамади, ундан фақат Бессабариянинг жанубий қисми тортиб олинди. Бироқ у Дунай князликлари ва Сербия устидан хомийлик уқуқини йўқотди. Россия учун энг оғири ва тахқирлиси қора денгизни “нейтраллаш” хақидаги шарт бўлди.<sup>16</sup> Россияга Қора денгизда харбий денгиз кучлари, харбий арсеналлар ва қалъаларга эга бўлиши таъқиқланди. Бу жанубий чегараларни хавфсизлигига сезиларли зарба берди. Россиянинг Болқон ва Яқин Шарқдаги роли йўққа чиқарилди.

Крим урушидаги мағлубият халқаро кучларнинг жойлашишига ва россиядаги ички вазиятга сезиларли таъсир кўрсатди. Уруш бир томондан уни заифлигини кўрсатди, бошқа томондан рус халқининг мардлиги ва букилмас рухини кўрсатди, намойиш этди. Мағлубият Николайнинг хукмронлигига қайгули хотима келтирди, Россия жамоатчилигини уйғотди ва хукуматни давлатни ислохати билан шуғулланишига мажбур этди.

XIX асрнинг 20-йилларида Қора денгиз ва Азов денгизига туташган жанубий районлар мамлакат экономикасида алоҳида аҳамият қозонган эди. Дворянлар империясининг хукмрон доиралари бу территориянинг иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнашидан ва ташқи хавфдан амин бўлишидан бевосита манфаатдор эдилар, чунки бу ерда дворянларнинг жуда катта мулклари бор

<sup>16</sup> Ключевский В. Краткое пособие по русской истории. - М., 1991. –С.217-218.

эди. Бундан ташқари, Чап сохил Украинаадаги ва Марказий қора тупроқдаги эски помешчик ер әгалиги районлари ҳам иқтисодий жиҳатдан Қора денгизга тобора кўпроқ тортила борди, чунки бу жойларнинг ғалласи ва бошқа юклари Дон ва Шимолий Донецк дарёлари орқали шу денгиз портларига келиб тушар ва ундан четга чиқарилар эди.

Шу даврда Россияда капиталистик мануфактура ҳам кўзга кўринарли ютуқларга эришди. Бироқ капиталистик мануфактуранинг ривожланишини чеклаб турган нарса шу эдики, эски ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқарувчи кучлар характеристига мувофиқ келмаганлиги сабабли саноат ишлаб чиқарган буюмларни сотиш учун ички бозор ғоят торлик қиласр эди. Шунинг учун рус буржуазияси чекка мустамлака ўлкаларни ўзлаштиришдан ва шарқ мамлакатлари билан ташқи савдони кенгайтиришдан ҳам манфаатдор эди. Россия империясининг “шарқ масаласи”даги сиёсатининг иқтисодий негизи ана шу эди.

1821 йилда бошланиб кетган халқаро кризис кескинлиги пасаймади Бунинг устига таҳминан 1824 йилдан эътиборан бу кризис янги даврга кирди. Австрия ва Франция дипломатиясининг васвасаси билан Миср подшоси грек қўзғолончиларининг қаршилигини бостиришда турк султонига ёрдам бериш учун Грекия қирғоқларига ўз қўшинини туширди. Кавказда турк агентларининг қўпорувчилик ишлари кучайди. Кавказ тоғликлари орасида муридизмни тарғиб қилиш авж олдирилди. Россия билан Эрон ўртасидаги муносабатлар ёмонлашди, бунга Техрондаги инглиз ваколатхонасининг таъсири бўлмасдан мумкин эмас эди, албатта. Шоҳ ҳукумати Гулистан трактати (шартномаси)ни қайтадан кўришни зўр бериб талаб этар ва Шимолий Озарбайжон ерларини даъво қиласр эди.

Шундай қилиб, 1824 йилдан эътиборан Миср, Шарқий Анатolia ва, ниҳоят, Эрон кризис доирасига тортила бошлади. Бу ҳол Ўрта Шарқдаги вазиятни яна кескинлаштириди. Шарқ кризиси доирасининг шу тариқа кенгайиши Россиянинг халқаро аҳволини муқаррар суратда

мушқуллаштириб, уни янги сиёсий ва ҳарбий жанжаллар ҳавфи остига қўйиши табиий эди.

Халқаро жандарм бўлган Россия империясини Европадаги бошқа мамлакатларнинг реакцион ҳукмон доиралари яхши кўрсалар-да, лекин Қора денгиз ва Каспий денгизи районида Россия мавқеининг кучайиши бу давлатларнинг шарқ бозорлари масаласидаги экспансионистлик интилишларига зид келар эди. Инглиз буржуазиясинииг ўзи Ҳиндистон томонидан ҳам, Қора денгиз томонидан ҳам Ички Осиёга кириб боришга ҳаракат қилаётганлигидан, Россия империясининг бўғозлар устидан ўз контролини ўрнатишга ва Закавказъеда ўз мулкларини кенгайтиришга интилиши Россияни муқаррар суратда Англияга қарши қилиб қўяр эди. Россия империясининг Дунай дарёсининг денгизга қуядиган жойини эгаллаш ва Болқон ярим оролига ўз таъсирини ёйиш нияти Россиянинг Австрия билан муносабатини кескинлаштиради, чунки Австриянинг Дунай князликларини, Сербияни, Боснияни ва Туркия империясининг Болқондаги бошқа вилоятларини босиб олиш нияти бор эди. Россия империясининг Шарқдаги манфаатлари француз, буржуазиясининг агрессив планларига ҳам мутлақо зид бўлиб чиқди.

Россия империяси “шарқ масаласи”да босқинчилик мақсадларини кўзда тутар эди. Эрон ва Туркия феодаллари асоратга солган халқларнинг миллий озодлик курашидан Россия империяси ўз манфаатлари учун фойдаланишга ҳаракат қилиб келган бўлса ҳам, лекин халқларнинг миллий давлат бўлиб уюшиш ғояси унга мутлақо ёт эди. Объектив жиҳатдан олгаида, Россиянинг сиёсати бу халқларни шоҳ ва султон ҳукмонлигидан озод қилишга ёрдам берар эди. Россия билан рақобат қилган Англиянинг бошқа ғарбий давлатларнинг ҳукуматлари эса, аксинча, Эрон ва Туркиянинг реакцион ҳукмон тўдаларини қўллаб-қувватлар эдилар. Демак, бу давлатларнинг сиёсати Болқон ва Кавказ халқларини чет эл золимларининг истибдодидан қутултиришга тўсқинлик қиласар эди.

Николай I таҳтга ўтириш биланоқ “Муқаддас иттифоқ”қа ўзининг сўзсиз содиқ эканлигига чет эл монархларини ишонтиришга шошилди, аммо шу билан бирга у шарқ сиёсати соҳасидаги иккиланишларни йўқотиш ниятида эканлигини билдириди, бу эса ғарбий давлатларнинг ҳукуматларини ташвишга солиб қўйди. Англия ҳукумати Россияни Туркияга якка ўзи қарши чиқишидан тийишга уринди ва шу мақсад билан 1826 йил бошида Петербургга герцог Веллингтон бошлиқ фавқулодда миссия (вакиллик) юборди. Николай I Веллингтонни қувониб қабул қилди ва у таклиф қилган битимни тузишга розилик билдириди. 1826 йилнинг марта 1-даги битим имзоланди ва “Петербург протоколи” номи билан тарихга кирди.

Веллингтоннинг Петербургда имзолаган протоколи “шарқ масаласи”да Россиянинг якка чиқишидан амин қилмаслигига Лондонда жуда тез ишондилар. Шунинг учун инглиз дипломатияси 1826 йил кўкламидан эътиборан, Петербург протоколидаги шартларнинг амалга оширилишига ҳарна қилиб бўлса ҳам йўл қўймасликка, Россияни давлат манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар билан банд қилиб қўйиб, унинг диққатини Дунай ва Қора денгиз проблемаларидан четга тортишга зўр бериб ҳаракат қилди. Бундай масалалардаи бири Россия билан Эрон ўртасидаги муносабат эди. Кавказдаги сиёсий ва стратегик вазият кўп жиҳатдан Россия-Эрон чегарасининг хавфсизлигига боғлиқ эди. Борди-ю, Россия билан Туркия ўртасида янги уруш чиқиб қолгундай бўлса, Кавказ территорияси хеч сўзсиз жанг майдонларидан бирига айланиши муқаррар эди. Инглиз дипломатлари, рус подшоси Эрон шоҳининг бетарафлигига ишонч ҳосил қилмай туриб, сultonга қарши уруш бошламайди, деб ўйлар эдилар. Ҳудди шунинг учун ҳам инглиз дипломатлари шоҳни Россияга қарши гиж-гижлаб, подшонинг қўл-оёғини боғлаб қўйишга қарор берган эдилар.

Эрон шоҳини Россияга қарши урушга солиш унча қийин иш эмас эди. Эроннинг феодал аристократияси Грузия ва Шимолий Озарбайжоннинг Россияга қўшиб олинишидан норози бўлиб, 1813 йилги Гулистан трактатида

кўрсатилган чегарани тан олмади. Шу трактатга асосан чегарани аниқлаш (демаркация қилиш) юзасидан 1817 йилдаёқ бошланган музокара қарийб ўн йил давом этиб, ҳеч қандай натижа бермади. Шоҳнинг вакиллари рус қўшинларини Закавказье тупроғидан олиб чиқиб кетишни талаб қилдилар. Инглиз дипломатлари Эроннинг бу реваншистик талабларини қувватлаб, “Терек дарёсини табиий чегара қилиб ола бериш керак эди” дедилар.<sup>17</sup>

Эрондаги инглиз миссиясида жуда одам кўп эди. Унинг вакиллари шоҳ сарбозларига таълим берар, қалъалар куришга раҳбарлик қилар, Эронга қурол-яроғ ва ўқ-дори келтирадар эдилар Инглиз миссияси шоҳнинг кўп министрларини пора бериб сотиб олган эди. У мусулмон руҳонийлари юқори табақасининг намояндадаридан ҳам совғани аямас эди.

Инглиз агентлари 14 декабрь қўзғолони ҳақидаги хабарни бузиб, Россияда ўлган император Александр I нинг укалари ўртасида ўзаро уруш бошланиб кетди, деган овозалар тарқатдилар. Улар қочоқ грузин князлари ва Озарбайжон хонларининг феодал-монархия миллатчилиги нуқтаи назаридан Россияга қарши гапирган ёлгон-яшиқ гапларидан атайин фойдаландилар. Қочоқ грузин князлари ва Озарбайжон хонлари Аракс қирғоғидан туриб бир ўқ узиш биланоқ Кавказнинг бутун аҳолиси гўё русларга қарши қўтарилади, деб ишонтиromoқчи бўлдилар. Бу ёлғон-яшиқ гаплар Россияга қарши реванш уруши бошлаш учун гўё жуда қулай вазият туғилганлигига шоҳ ва унинг аъёнларини ишонтириши лозим эди. Шоҳни қарз пуллар билан мўл-кўл таъминлаб турган инглиз Ост-Индия компаниясининг вакиллари, агар шоҳ Россия билан алоқасини узмаса, унга пул бермаймиз, деб дўқ урганликлари ҳақида маълумотлар бор.<sup>18</sup>

Албатта, ўз навбатида, рус Россия империясиининг шоҳ қўл остидаги ерларни босиб олиш нияти ҳам йўқ эмас эди, лекин бу пайтда Эрон билан жанжаллашишдан подшога фойда йўқ ва ҳатто хавфли эди.

<sup>17</sup> Головатенко А. История России: спорные проблемы. - М., 1993. – С.308,

<sup>18</sup> Карпилов А.А. Курс истории России. - М ., 1991. – С.218-219.

1826 йил ёзида Николай I ўзининг фавқулодда элчиси князь А. С. Меньшиковни Эронга юборди ва унга Закавказъедаги баъзи терриорияларни курбон қилиб бўлса ҳам Россия-Эрон муносабатини йўлга солишни топширди. Лекин фурсат қўлдан берилган эди. Инглиз маслаҳатчилари, Меншиковнинг муросага келиш ҳақидаги таклифлари Россиянинг заифлигини ва унинг Закавказъедаги ерларини сақлаб қолишга қурби етмаслигини кўрсатадиган янги далиллар, деб шоҳни ишонтирилар. Меншиков Россияга қайтиб етмасданоқ, Фатҳали шоҳ уруш бошлишга қарор берди. Бу урушнинг реванш, босқинчилик уруши эканлигига ва бу вақтда шарқ масаласидаги кризиснинг кескинлашиб кетганлиги билан алоқадор эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ эди.

Уруш ҳаракатлари 1826 йилнинг июлида Эрон отлиқ отрядларининг Александрополь районида Россия тупроғига бостириб кириши билан бошланди. Лекин шоҳнинг асосий кучлари Қорабоғ орқали Закавказъега келиб кирди. Бу томонда шоҳнинг ўғли ва валиахди Аббос Мирза қўмондонлик қилган мунтазам ва номунтазам қўшинларнинг 33 мингтacha аскари тўпланган эди. Ўз хузуридаги инглиз офиқерларининг маслаҳатига амал қилиб, Аббос Мирза ўзининг галалари билан Кура водийсига чиқиб олмоқчи, Ганжани ишғол қилмоқчи ва, шундай қилиб, Грузияни Каспий денгизи орқали Россия билан боғлаб турган асосий алоқа йўлини кесиб қўймоқчи эди. Бундан ташқари, Эроннинг 25 минг кишилиқ отлиқ қўшини Толишдан Мўғон чўли орқали Озарбайжоннинг шимолий районларига ташланган эди. Отлиқ қўшин шу ердаги рус гарнизонларини қириб ташлаб, Догистонга ёриб кириши лозим эди. Шу тариқа шоҳ саркардалари рус қўшинларини тор-мор қилиб ва уларни Закавказье тупроғидан суриб чиқариб, Грузия ҳамда Шимолий Озарбайжон халклари устидан Эрон феодалларининг ҳукмдорлигини қайта тикламоқчи бўлган эдилар.

Закавказье тупроғига пиёда ва отлиқ аскарлардан жами 63 минг киши бостириб кирган эди, лекин шоҳ ўз қўшинининг сонини 180 минг кишига

етказмоқчи эди. Кавказдаги рус қүшинларининг бош қўмондони генерал А. П. Ермолов душманнинг ҳужумини қайтариш учун пиёда ва отлик аскарлардан 10 минг кишидан ортигини қўя олмаган эди. У подшодан алоҳида Кавказ корпусини кучайтириш учун мадад аскар юборишни аллақачон илтимос қилган бўлса-да, подшо бу илтимосни оқибатсиз қолдириб келар эди. Шоҳ галаларининг Закавказье тупроғига бостириб кирганлиги тўғрисида кутилмагаи хабарни олгандан кейингина, Николай 1 бу ерга мадад кучлар юборди, аммо улар Тифлисга кеч куздагина етиб бориши мумкин эди.<sup>19</sup>

Аммо Закавказъедаги рус қўшинлари оз сонли бўлишига қарамай, босқинчиларга қақшатқич зарба берди. Қорабоғнинг қадимги Шуша қалъаси шоҳ қўшинларининг йўлини тўсди. Бу енгилмас қалъани атиги 1300 рус солдати мудофаа қилиб турур эди. Шуша мудофаачилари душманнинг асосий кучларини банд қилиб қўйиб, рус қўмондонлигига ўз кучларини тўплаб олишга фурсат бердилар. Аббос Мирза қўшинлари Шуша қалъасини айланиб ўтиб, Кура водийсига ёриб ўтди ва Ганжани босиб олдилар. Аммо сентябрда генерал В Г Мадатов қўмондонлигидаги рус қўшинлари Шамхор ёнидаги жангда Эрон қўшинларини мағлубиятга учратиб, Ганжа шаҳрини озод қилдилар, Аббос Мирзанинг шаҳарни яна қайтариб олишга уриниши унинг қўшинларининг тамомила мағлубияти билан тугади. Октябрда унинг қўшинининг қолган-қутганлари ҳам Аракс дарёсининг нариги томонига улоқтириб ташланди. Эрон феодаларининг инглиз дипломатияси қўллаб-кувватлаган реваншистик ниятлари ана шу тариқа барбод бўлди.

Рус ҳарбий санъатининг устунлигидан ташқари, бу пайтда Кавказ халқларининг Россияга хайриҳоҳлиги катта роль ўйнаган эди. Англия ва Эроннинг маҳаллий феодал зодагонлари орасидаги агентлари қанчалик зўр берган бўлсалар ҳам, рус қўшинларининг орқа томонига зарар етказа олмадилар. Грузия ва Озарбайжоннинг халқ оммаси сотқин князъ ва

<sup>19</sup> Павленко Н.И. и др. История России. - М., 1992. – С.389-390.

хонларнинг, шунингдек, мутаассиб руҳонийларнинг чақиригига қулок солмади. Ўз тақдирини Россия билан боғлаган Закавказье халқлари Эрон босқинчиларини душманларча қарши олди. Грузин ва арман кўнгилли дружиналари, Озарбайжоннинг отлик отрядлари жангларда актив қатнашиб, умумий душманга қарши рус қўшинлари сафида туриб жанг қилдилар. Ҳамма жойда маҳаллий аҳоли рус жангчиларига қўлидан келган ёрдамини берди.

1827 йил баҳорида рус қўшинлари Эреванъ томонида ҳужумга ўтдилар. Кузга келиб улар Шарқий Арманистон террииториясининг ҳаммасини душмандан тозаладилар ва октябрда Эреванни озод қилдилар. Арман аҳолиси рус жангчиларини ажнабийларнинг қаттиқ жабр-зулмидан кутқазган халоскорлар, деб табриклади. Арман деҳқонлари қўлга қурол олиб, иҳтиёрий равишда рус қўшинларига қўшилдилар. Кўпинча рус қўшинлари яқинлашиб келиши биланоқ арманлар қўлларига қурол олиб, ўз золимларига қарши чиқар ва уларнинг орқа томонида партизан урушини бошлаб юборар эдилар. Эреванъ қамал қилинган пайтда шаҳар атрофидаги аҳоли руслар лагерига келиб, рус солдатларининг қамал ишларига ёрдам берар эди. Қамал қилинган шаҳарда яшаган арманлар Эрон ҳарбий бошлиқларининг амрларини бажармас ва қўзғолон бошлаш билан қўрқитиб, шаҳарни топширишни талаб қиласар эдилар. Арманлар оқ рўмолни ҳилпиратиб, рус қўшинларига Эреванъ дарвозаларини биринчи бўлиб очиб берган эдилар.

Арман халқи рус халқининг ёрдамига ишониб, шоҳларнинг ҳукмронлигидан озод бўлишни асрлар бўйи орзу қилиб келар эди. Арман халқининг бу орзуси амалга ошиди. Гарчи Шарқий Арманистон рус Россия империясии зулми остига тушиб қолгаи бўлса-да, унинг Россияга қўшиб олиниши арманлар учун объектив суратда прогрессив аҳамиятга эга бўлди.

1827 йилнинг октябрида русларнинг илғор отряди Аракс дарёсини кечиб ўтиб, Жанубий Озарбайжон тупроғига кирди ва Табризни ишғол қилди. Арманистондаги сингари бу ерда ҳам маҳаллий аҳоли ўз золимлари

бўлган Эрон феодалларининг мағлубиятидан хурсанд бўлиб, рус қўшинларини қувонч билан кутиб олди. Озарбайжонликлар шоҳ сарбозларини қуролсизлантириб, унинг ноибларини хайдаб чикаришга шошилар эдилар.

Қожорлар империясининг емириб ташланиши ва Жанубий Озарбайжоннинг Россияга қўшиб олиниши, албатта, инглиз дипломатларииинг ўйлаган ниятларига мутлақо зид эди. Шунинг учун ҳам улар бундан бир йил бурун ўзлари зўр бериб ёқсан уруш оловини тезлик билан ўчириш ҳаракатига тушдилар. Инглиз миссиясининг вакиллари Табризга келиб, рус қўмондонлигига шоҳ ҳукумати билан музокара бошлаш учун воситачи бўлиб хизмат қилишга тайёр эканликларини билдирилар. Рус қўмондонлиги уруш ҳаракатларини тўхтатди, лекин инглиз вакилларининг воситачилигини рад қилиб, Аббос Мирза билан бевосита музокара бошлади.

Сулҳ конференциясида рус делегациясига А. С. Грибоедов бошчилик қилди. Аббос Мирзага сулҳ шартномасини имзолашга шошилмаслик фикрини уқтирган инглиз дипломатларининг таъсирини енгиш учун А. С. Грибоедовга анчагина меҳнат сарф қилишга тўғри келди. Нихоят, Аббос Мирза таклиф қилинган шартлар асосида сулҳ шартномасини имзолашга рози бўлса ҳам, лекин Фатҳали шоҳ бу битимни тасдиқлашдан бош тортди.

Шундан кейин рус қўмондонлиги музокарани тўхтатиб, уруш ҳаракатларини яна бошлаб юборди. Рус қўшинлари тўғридан-тўғри Техронга қараб юрдилар. Бу ҳол шоҳни анча муомаласоз қилиб қўйди. У Аббос Мирзани сулҳ шартномасини имзолашга вакил қилди.

А. С. Грибоедов тузган сулҳ шартномаси (трактати) 1828 йилнинг 10 февралида Туркманчай қишлоғида имзоланди. Шоҳ Шимолий Озарбайжонга ҳеч қандай даъво қилмайдиган бўлди, Эреванъ ва Нахчивон хонликларини Россияга топширди. Бундан ташқари, у Каспий денгизида савдо кемаларининг bemalol қатнов принципини ва бунда Россиянинггина ҳарбий флот сақлаш фавқулодда ҳуқуқини таъкидлади. Нихоят, шоҳ ҳукумати

кумуш билан 20 млн. сўм товоң тўлаш мажбуриятини ўз устига олди,<sup>20</sup>

Шундай қилиб, Туркманчай сулҳи Россия империясининг Кавказдаги стратегик ва сиёсий позицияларини мустаҳкамлadi ҳамда Каспий денгизи районида русларнинг савдо-сотиқ ишларини ривожлантиришини таъминлаб берди. Айни замонда бу сулҳ Британиянинг Ўрта Шарқдаги мустамлакачилик экспансиясини чегаралаб, инглиз капиталининг босқинчилик интилишларига зарба етказди.

Туркманчай сулҳининг тарихий аҳамияти шундан иборат эдики, бу сулҳ Шимолий Озарбайжоннинг Россия составига киритилишини узил-кесил мустаҳкамлаб берди ва Шарқий Арманистоннинг Россияга қўшиб олинишини таъмин этди.

Кавказда уруш ҳаракатлари муваффақиятлироқ давом этар эди. Алоҳида Кавказ корпусининг қўшинларига аракчеевчилик касри камроқ урган эди ва улар маънавий-жанговарлик сифати жиҳатидан анча юқори турагар эди. Бу қўшинларнинг команда состави орасида Кавказга сургун қилинган ва ўша даврдаги рус офицерларининг гули ҳисобланган декабристлар қўп эди. Кўшинга раҳбарлик қилишнинг чинакам усталари бўлган бу офицерлар рус ҳарбий маҳоратининг прогрессив традицияларига амал қиласар, уруш давомида бу традицияларни ривожлантирасар ва бойитар эдилар. Декабристлар орасидан чикқан И. Г. Бурков, В. Д. Вальховский, М. И. Пушчин ва бошқа офицерлар Кавказ корпусидаги қўшинларнинг жангларда муваффақият қозонишига қўп жиҳатдан ёрдам кўрсатдилар. Аммо расмий доираларда бу муваффақиятларни подшо арзандасп, лаёқатсиз ва кўрқоқ Паскевичнинг муваффақиятлари қилиб кўрсатишга уринар эдилар. Ермолов декабристлар билан алоқа қилган деган гумон билан истеъфога чиқарилиб, ўрнига Кавказ қўшинларининг бош қўмондони қилиб Паскевич тайинланган эди.

Паскевич туркларнинг 50 минг кишилик қўшинига пиёда ва отлиқлар

---

<sup>20</sup> Павленко Н.И. и др. История России. - М., 1992. – С.458.

бўлиб ҳаммаси 25 минг рус аскарини қарши қўйган бўлишига қарамай, урушнинг дастлабки пайтларидан бошлаб Кавказ фронтида жанговарлик ташаббуси рус қўшинлари қўлида бўлиб келди. Рус қўшинлари икки ой ичида Карс, Ахалкалаки, Ахалзихе қалъаларини штурм билан қўлга киритиб, туркларнинг Кавказ чегарасида узоқ муддатга мўлжалланган бутун мудофаа системасини яксон қилиб ташладилар. Улар Ахалзихе остоналарида душман дала қўшинларининг асосий группировкасини тор-мор келтириб, Арман тоғлиги ва Кичик Кавказнинг кенг районларини душмандан тозаладилар. Бундан ташқари, рус қўшинларининг айрим отрядлари денгиз бўйидаги Анапа ва Поти қалъаларини олдилар.<sup>21</sup>

Россия билан рақобат қилган давлатларнинг сиёсий арбблари Дунайнинг нариги томонида Витгенштейн армиясининг муваффақиятсизликларига қувондилар, бироқ Рус қўшинларининг Дунай князликларида ва Болгарияда туриши, айниқса уларнинг Закавказъеда эришган муваффақиятлари Лондонда ва Венада ташвиш туғдирди. “Муқаддас иттифоқ” қатнашчиларининг ўтмишдаги бирлигидан асар ҳам қолмади деса бўлади.

Аммо Кавказдаги рус корпусининг қўшинлари душманнинг қўлдан берган қалъаларни қайтариб олиш йўлидаги уринишига зарба берди ва душман қўшинларини Ахалзихе деворлари ёнида тор-мор келтирди. Туркларнинг яна мағлубиятга учраганлиги Фатхали шоҳни ҳушига келтирди. У Туркманчай трактати (шартномаси) ни бузишга ва Россияга қарши урушни яна бошлаб юборишга ботинолмади, Текрондаги фожиа ҳақида эса расмий равишда кечирим сўради.

1829 йилнинг ёзида Кавказ корпуси қўшинлари душманнинг сон жиҳатидан устун турган кучларини тор-мор келтириб, Арзирумни эгаллади ва кейинчалик яна илгари силжиб, Трапезуид остоналарига чиқди. 1829 йилги урушларда озарбайжонликларнинг тўрт отлик полки, арманларнинг

<sup>21</sup> Ключевский В. Краткое пособие по русской истории. - М., 1991. – С.380.

иккита пиёда аскарлар батальони, арман ва грузин қўнгиллиларининг бир неча алоҳида отрядлари қатнашди. Умумий душманга қарши қурашда рус халқининг Закавказье халқлари билан жанговар ҳамкорлиги мустаҳкамланди. Махаллий аҳоли ҳамма жойда рус қўшинларига қўлидан келганича ёрдам кўрсатиб, уларнинг илгари силжишига кўмаклашди.

Султон Туркияси тамомила мағлубиятга учради. Рус армиясининг илғор отрядлари Константинополдан 60 километр масофада турар эдилар. 1829 йилнинг 2 сентябрида Адрианополда Россия билан Туркия ўртасида сулҳ шартномаси имзоланди. Россия қўлига ўтган территория кўп эмас эди. Унга Дунай дарёсининг этак қисмидаги ороллар, Кавказнинг (Ботумдан ташқари) Қора денгиз соҳили ва Ахалзихе области ўтди. Султон Туркиясига қарашли сувларнинг ҳаммасида, шу жумладан, Қора денгиз бўғозларида ҳам, Россия савдо кемаларининг bemalol юришини, шунингдек Туркия империяси тупроғида рус савдогарларининг эркин савдо қилишини таъкидлади. Туркия ҳукумати Дунай князликларига ва Сербияга автономия бериш тўғрисида Аккерман конвенциясида кўрсатилган шартларнинг ҳаммасини бажариш, шунингдек Грецияга эса давлат мустақиллиги бериш мажбуриятларини ўз устига олди.

Россия билан Туркияниң Кавказдаги янги чегарасини белгилаб берган Адрианополь сулҳ шартномаси Грузияниң ташқи хавфсизлигини таъмин этди, Шарқий Арманистоннинг Россияга қўшиб олинишини мустаҳкамлади ва Кавказнинг Қора денгиз соҳилида Туркия экспансиясига, шунингдек туркларнинг бу ерда авж олдирган қулфурушулигига хотима берди. Қора денгиз портлари орқали Россия билан иқтисодий алоқаларнинг кенгайтирилиши Закавказъеда капиталистик муносабатларнинг ривожланишига ёрдам берди. Грузин ерларининг қайта бирлаштирилиши грузин буржуа миллатининг таркиб топиш процессини тезлаштириди, Шарқий Арманистоннинг озод қилиниши арман миллатининг таркиб топишига ёрдам берди.

Инглиз буржуазияси Яқин Шарқда ва айниқса Қора дengиз районига Россияning таъсирини бўшаштиришга ҳаракат қилиб, Кавказни вақти билан ўз мустамлакачилик экспансияси доирасига киритиб олиш ниятида Кавказнинг Россияга узил-кесил қўшиб олинишига ҳалақит беришга уринар эди. Инглиз агентлари Туркияниг хукмрон доираларида реваншистик кайфиятини қизитиш билан бир вақтда, Кавказдаги тоғликлар орасида қўпорувчилик ишлари олиб борар эдилар. Константинополдаги инглиз элчихонасининг секретари Д. Уркарт махфий равишда бир неча марта Фарбий Кавказга келиб кетган эди. Уркартниpg жияни ва Британия армиясининг офицери Стюарт, шунингдек Уркартниpg энг яқин ходимларидан Лонгворт черкаслар орасида узоқ вақт турган эдилар. Контрабанда йўли билан черкасларга мол олиб келган Жемс Белль деган бир кимса ўзини инглиз королининг элчиси қилиб танитган эди. У Лондондаги оддий газетанинг эски сонларидан бир нусхасини саводсиз тоғликларга королнинг манифести деб кўрсатиб юрган эди.

Инглиз эмиссарлари тоғликларни қурол-яроf ва ўқ-дори билан таъмин этиб, уларни русларнинг чегара истеҳкомларига ва казак станицаларига ҳужум қилишга ундар эдилар. 1836 йилда рус соқчи кемалари Қора дengизнинг Кавказ қирғоқларида инглизларнинг ҳарбий материаллар ортган “Виксен” деган шхуна (унча катта бўлмаган елканли кема) сини ушлаб олганларидаи кейин, Англияниг ташқи ишлар министри Пальмерстон бу жанжалдан Кавказнинг Қора дengиз соҳилларига эгалик қилиш ҳуқуқидан Россияни воз кечишга мажбур этиш учун фойдаланиб қолмоқчи бўлди.

Инглиз агенлари тоғликларнинг феодал аристократияси билан алоқа боғлаб, Англия протекторати остида қўғирчоқ “черкас ҳукумати” тузмоқчи бўлдилар. Улар уялмасдан ўзаро: “Черкаслар бизнинг манфаатимиз учун курашмоқдалар” деб гапирад эдилар.<sup>22</sup>

Рус қўмандонлиги инглиз-турк агентурасининг Россияга қарши

---

<sup>22</sup> Карпилов А.А. Курс истории России. - М., 1991. – С.256.

дushmanlik ҳаракатлари ва ҳарбий контрабанда билан курашиш мақсадида Анападан то Сухумгача “Кора денгиз қирғоқ линияси”ни ташкил этган 17 та соҳил форти (истеҳкоми) қурди. Бу фортлар инглиз-турк диверсантларининг қўпорувчилик ишларини қийинлаштириб қўйишнигида эмас, балки турк кулфурушларига “жонли мол” етказиб турадигап маҳаллий тоғлик зодагонларнинг манфаатларига ҳам ҳалал келтирас эди. 1840 йилнинг баҳорида инглиз эмиссарлари Кавказ соҳилидаги рус фортларига тоғликларнинг ҳужумини уюштиридилар. Натижада бу форт (истеҳком) лардан бир нечтаси емириб ташланди. Бу истеҳкомлардан бирини мудофаа килиш вақтида солдат Архип Осипов фидокорона қаҳрамонлик кўрсатган эди. Форт гарнизони тамомила қириб ташланганидан кейин, Осипов қўлидаги машъал билан ўқ-дори сақландиган омборга ўзини ташлади ва дushman босиб олган истеҳком портлади. Ҳозирги вақтда бу жойда (Краснодар ўлкасининг Геленжик районида) қаҳрамон номи билан юритиладиган Архипо-Осиповка қишлоғи бор.

Россия империясининг 60-70-йиллардаги ташқи сиёсати фақат Россия помешчикларининг эмас, балки Россия буржуазиясининг ҳам манфаатларини ифодаларди, чунки дворян-помещик давлати тез ривожланиб бораётган капитализм шароитига мосланмоқда эди. Крепостниклик қолдиқлари туфайли анча секин ривожланаётган ички бозорнинг торлик қилишининг ҳиссасини чиқариш учун ташқи бозорларни қўлга киритиш зарур бўлиб қолди. Ташқи бозор шунинг учун зарурки, капиталистик ишлаб чиқариш - авваллари мавжуд бўлган ва жамоа, вотчина, қабила, бир территориал округ ёки бир давлат доирасидан нари чиқмайдиган ҳамма эски усулдаги ишлаб чиқаришларга қарама-қарши ўлароқ - ҳамиша чексиз кенгайишга ҳаракат қиласи ва бу капиталистик ишлаб чиқаришга хос бир хусусиятдир.

Россиядаги капитализмнинг кенгайишга зўр бериб интилиши мамлакатнинг чекка ўлкаларида айниқса яққол кўринди ва бу чекка

ўлкаларнинг мустамлакага айлантирилиши рус тарихининг реформадан кейинги, капиталистик даврида жуда кучли суратда авж олди. Россия Европа қисмининг жануби ва жануби-шарқи, Кавказ, Ўрта Осиё, Сибирь рус капитализми учун худди мустамлакалар бўлиб хизмат қилди ва унинг ғоят чуқурлашиб боришигина эмас, балки кенгайиб боришини ҳам таъмин этдилар.

Ўрта Осиё босиб олинишидан анча илгари Кавказ тамоман босиб олинган эди. Тоғликлар рус қўшинларига қарши қуролли курашни тўхтатиб, Россия қўли остига ўта бошлаган эдилар. Шомил 1859 йилда асир қилинган эди. Аммо Шомилнинг ҳаммаслакдоши бўлмиш Мухаммад Аминга Туркия ва Англия агентлари биргалашиб ёрдам бериб турган Ғарбий Кавказда уруш 1864 йилгача давом этди. Подшо ҳукумати Кавказни Ғарбий Кавказнинг тоғли жанговар қабилаларидан хавфсизлантиришга интилиб, уларни зўрлик билан Кубанга кўчира бошлади. Бироқ тоғликлар жамиятининг феодал юқори табақаси тарғибот ва ташвиқот билан тоғликларни йўлдан қайтариши натижасида тоғликлар ўз “диндошлари” бўлган Туркияга оммавий равишда кўчиб кета бошладилар. Ғарбий Кавказнинг 400 мингдан ортиқ туб жойли аҳолиси бегона мамлакатга кўчиб кетди. Туркия амалдорлари эса кўчиб борганларга ҳеч қандай ёрдам бермади. Тоғликлариинг кўпчилиги мусофирикда оч-яланғоч қолиб ва турли касалликларга дучор бўлиб ўлиб кетдилар. Тоғликларнинг бир қисми яна ўз юртига - Кавказга қайтиб келди. Ғарбий Кавказ узоқ вақт одамсиз хувиллаб қолди. Подшо ҳукумати тоғликлар ташлаб кетган ерларга Россиядан кўчириб келинган кишиларни жойлаштира бошлади.

Кавказ ҳам, Ўрта Осиё сингари, империянинг “чекка” мустамлака ўлкаси сифатида Россиянинг капиталистик системасига қўшилди. У рус саноати учун хом ашё манбаи ва шу саноатнинг маҳсулоти сотиладиган база бўлиб қолди. Кавказда темир йўл тармоқлари ривожлана бошлади: 1871 йилда Тифлисдан Потигача, 1878 йилда - империя составига эндиғина босиб

олинган Батумигача, 1875 йилда эса Ростов-Дондан Владикавказгача темир йўл қурилди. Махаллий саноат, гарчи секин бўлса ҳам, йил сайин ривожлана бошлади. Бокуда нефть қазиб чиқариш тез кўпайди. Ишчилар синфи вужудга кела бошлади.

Россия империясининг Кавказ халқларини миллий-колониал зулмга гирифтор қилганлигини айтиш билан бирга шуни таъкидлаб ўтмоғимиз керакки, Кавказ халқларининг рус халқи билан – Кавказда яшаб ва ишлаб турган рус ишчилари билан, рус зиёлиларининг Кавказга ихтиёрий ёки ғайри ихтиёрий суратда бориб қолган илғор намояндалари билан, Россия империясинииг турли ерларидаги дехқонларнинг Кавказга кўчиб борган меҳнаткаш табақалари билан яқин алокада бўлиши ижобий натижалар ҳам берди.

### **3. КАВКАЗ ХАЛҚЛАРИ ОЛИБ БОРГАН МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК КУРАШИ**

XVI асрнинг ўрталаридан бошланган тоғлик худудларни колонизация қилиш жараёни Кавказ урушлари даврига келиб сезиларли даражада кенгайди. Тортиб ёки босиб олинган жойларда йирик ҳарбий иншоотлар, йўллар, бинолар ва қалъаларни қуриш ишлари олиб борилди, улар келгусида, Шимолий Кавказни янада ички ҳудудларига кириб бориш учун таянч нуқталари бўлиб хизмат қилиши керак эди, ва шундай бўлди ҳам. 1820 йилларнинг охирига келганда, Догистон ва Чеченистонда диний тарғибот ва ташвиқот ишлари натижасида “ғайридан”ларга қарши “ғазовот уруши” номи остида тоҳлик халқларнинг ҳаракати вужудга кела бошлади. Мустамлакачиларга қарши кўтарилиган қаршилик ҳаракати маҳаллий феодалларнинг зулмига ҳам қарши қаратилган эди, яъни икки зулмга қарши озодлик ҳаракати кенгая бошлади. “Мусулмонлар эркин инсонлар бўлиши керак”, - деб мусулмонларнинг диний раҳбари шайх Муҳаммад ал-Яроғий хитоб қилган эди.<sup>23</sup> Кавказ халқларининг мустақиллик учун олиб борган кураши асосан уч имом раҳбарлиги остида ва уч даврга бўлинган ҳолда олиб борилди.

1829-1839 йилларда давомида бўлган биричи даврнинг ўзига хос хусусияти шундан иборат эдики, бу даврда тарқоқ холатда мавжуд тузумдан норизо бўлиб тарқоқ холатда ҳаракат қилаётган тоғликлар жамланиб, маълум бир маънода бирлаштирилиб, ягона қаршилик кўрсатиш ҳаракати ташкил қилинди. Бу ҳаракатга имомлар: Ғози Муҳаммад 1828-1832 йиллар, Ғамзат 1832-1834 йиллар ва Шомил 1834-1859 йиллар раҳбарлик қилдилар. Ғози Муҳаммад ва Ғамзатнинг имомлик қилган даврида “князлар ва дворянларга қарши” кураш шаклида бўлди.<sup>24</sup> Шу билан бирга, тоғлик халқларни

<sup>23</sup> Казнев Ш., Имам Шамиль. - М., 2001. – С.58.

<sup>24</sup> Дегоен В., Имам Шамиль: пророк, правитель, воин, - М., 2001.- С.25.

бирлаштириш ва келажақда шариат асосида иш олиб боруувчи диний давлат – имомат тузиш ишлари ҳам олиб борилди.

1834 йилда Доғистон имоми этиб Шомил (1797-1871 йиллар) сайланади. У Гимри қишлоғида туғилган бўлиб, ўзидан олдингилар олиб борган ишларни анча кенгайтириб юборишга муваффақ бўлди. Айнан Шомил даврига келганда, дунёдаги энг йирик мустамлакачи империялардан бири бўлган давлатга қарши Шимолий Кавказ халқарининг 25 йиллик қаршилик қўрсатиш ва мустақиллик учун кураши авж олдирилди.

Қаршилик қўрсатиш ҳаракатини кучайтириш мақсадида Шомил қишлоқларга бориб, у ерларда бу ҳаракатда натижага эришиш учун биргаликда ҳаракат қилишлари кераклигини тушинтириб борар эди. Қойсубулиндаги Ашильта қишлоғида ўзининг қароргоғини ташкил қилди ва бу билан аварлар жамоатида ўзининг таянч кучларини бирлаштиришни мақсад қилиб олди. Ҳар бир қишлоқда ўзининг издошларини бирлаштириб, улар ёрдамида ҳарбий ҳаракатлар олиб боришга қодир тузилмалар тузишга ҳамда уларни қурол-яроғ ва озиқ-овқат билан таъминлашга ҳаракат қилди. Россия империяси Шомилни бу йўлдан қайтаришга бир неча бор уриниб кўрди. И мом ҳам ўз навбатида сулҳ тузишга тайёрлигини билдирад эди. Шарт эса битта эди, холос: Шимолий Кавказ халқарига teng ҳуқуқлик асосида муомила қилиш, уларнинг ички ишларига эса аралашмаслик керак эди. Россиянинг капитуляция ҳақидаги таклифини Шомил қатъийлик билан рад этарди.

Шомилнинг Доғистондаги таъсир доираси кенайиб борар эди. Авар ва Мехтулин ерларини бошқариб турган Ахмадхон 1836 йил 19 декабря Алоҳида Кавказ корпуси генерали Г.Розенга шундай мактуб ёзганди: “Аврга яқин жойлашган барча қишлоқлар Шомилга қўшилди ва унга бўйсунмоқдалар...”. Ҳудди шунда холатни Чеченистанда ҳам кузатиш мумкин эди. Етилиб келаётган қўзғолонни олдини олиш мақсадида бўйин эгмаган қишлоқларни бўйсундириш, озиқ-овқаи заҳираларини йўқ қилиш,

чорва хайвонларини тортиб олиш ва янги йўлларни қуриш учун бир неча марта экспедициялар уюштирилди.

Доғистонда Россия ҳарбий қўшини билан Шомил тарафдордари ўртасида бир неча марта қуролли тўқнашувлар бўлиб турди. 1837 йил июнда генерал К.Фези отряди Унцукуль, Ашильта қишлоқлари ва Ахульго қалъасини эгаллаб олиб, сўнгра қўшини билан Шомил ўз лашкари билан жойлашган Телетль қишлоғини ўраб олди. Ҳар икки томоннинг хордан толғанилигини инобатга олган ҳолда, ўзаро келишувга келинди. Бу келишув подшо Николай I томонидан танқид қилинди ва бош кўтарга тоғликларнинг, айниқса, Шомилнинг маънавий ғалабаси деб эътироф қилинди. 1837 йилнинг ёз-куз ойларида Кавказга уюштирадиган сафари даврида император шахсан имом қўли билан бош кўтарган тоғликларнинг бўйин эгишини ва таслим бўлишини қабул қилишни исташини маълум қилди. Шу мақсадда Шомил ва генерал К.Клюгенау ўртасида ўзаро учрушув бўлиб, унда имомга ҳарбий ҳарактларни тўхтатиб таслим бўлиш таклифи берилди. Иомо эса бу таклифни қатъийлик билан рад қилди.

1837 йил 30 ноябрда Кавказ корпус қўмондони этиб генерал Е.Головин тайинланди. Телетлда тинчлик сулҳи эмас, балки шунчаки келишув тузилганлигини яхши тушунган Шомил қурашни давом эттиришга тайёргарлик кўрар эди. У Ахульго тоғига ўрнашиб олиб, у ердаги истеҳкомни мустаҳкамларди. 1839 йил баҳорида генерал П.Граббе қўмондонлигига ҳарбий қўшин ташкиллиширилади ва у Ахульго томон ҳаракат қиласи. Ўз навбатида, Шомил ҳам рус қўшинини Доғистон ичкарисига киритмаслик мақсадида Аргвани қишлоғига келиб, у ерда русларга қаршилик кўрсатмоқчи бўлади.

Аргвани қишлоғидаги жанг ҳаракатлари тўхтовсиз 36 соат давом этади. Жуда кўп талофатлар ва тинимсиз ҳаракат натижасида қишлоқ руслар томонидан эгалланади. Худди шу вақтдан бошлаб тоғликларнинг ўзларини қаҳрамонона ҳимоя қилиш даври, рус армиясининг эса, штурм ва артиллерия

воситасидаги хужум даври бошланиб, ҳар икки томон қўплаб талофатлар кўра бошлайдилар.

“Куршовда қолганларнинг ҳолати анча мушкул эди. Руслар Ахульгони танмасдан бомбардимон қиласди. Миноралар бузилган, деворлар ийқитилган, уй-жойлар кулга айланганди. Ҳимоячиларнинг аксарият кўпчилиги сафдан чиққади, озчилик эса – қасос иштиёқидагилари оч-наҳор, ухламасдан, ҳарбий ҳаракат олиб борардилар”, - деб ёзади Шомилнинг котиби Мухаммад-Тохир ал-Қорахий.<sup>25</sup>

Келгусидаги штурмни олидини олиш мақсадида, Шомил генерал П.Граббе шартини бажаришга мажбур бўлади – ўзининг катта ўғли Жамаладдинни гаровга беради. Шомил, руслар фарзандини қўлга киритгандан кейин Ахульго қишлоғини қамал қилишни тўхтатади ва шу билан қамалдагиларни қутқариб оламан, деб тушунган бўлиши мумкин. Аммо, П.Граббе штурмни тўхтатмади ва, натижада кишлоқ руслар томонидан эгаллаб олинди. Ахульго қамали вақтида Шомилнинг хотини Жавгарат, кичик ёўдаги ўғли Саид, тоғаси Бортихон, опаси Фатиматлар ҳалок бўладилар. 1839 йил 23 август кечаси Шомил ўз оиласи ва яқинлари билан қамални ёриб ўтишга муваффақ бўлади. У ўзи билан бирга ярадор ўғли Фози Муҳаммадни ҳам бирга олиб кетади. Қочоқлар дарёни кечиб ўтишиб, Чеченистон томон йўл оладилар. Ахульгони изабт қилинганлиги ҳақидаги рапортни олган Николай I шундай деган эди: “Жуда яхши, аммо афсуски, Шомил кетиб қолибди ва у яна янги қиликлар қиласди деб хавотирдаман. Кейин нима бўлади, кўрамиз”. Подшонинг хавотирга тушиши бежиз эмасди. Бир йил ўтар-ўтмас, Шомил кўп минг кишилик хал армияси билан дин учун, озодлик ва мустақиллик учун курашни яна бошлаб юборди.

Шу тариқа, 1839 йилга келиб, тоғликларнинг ва русларнинг Ахульгодаги йирик жанги натижасида Кавказдаги қаршилик курашининг биринчи даври тугайди.

---

<sup>25</sup> Дегоен В., Имам Шамиль: пророк, правитель, воин, - М., 2001.- С.48-49.

1840-1852 йиллардаги иккинчи даврни, тарихчилар “Шомилнинг шонли даври” деб атайдилар. 1840 йил 8 март куни Хъалхар-Мартан қишлоғида Шомил Чеченистон имоми деб эълон қилинади. Имомга Тошу Хожи, Шуашиб Мулла, Ахверди Магома ва бошқа чечен етакчилари яқиндан ёрдам берадилар. 1840 йиллар Шомилга йирик ютуқлар олиб келади, у янги мадад кучлари натижасида Доғистондаги эркин жамоатлар ва Чеченистондаги кучларни ўз қўл остида бирлаштиришга эришади. Саркардалик талантига эга бўлганлиги сабабли, ўзига содик ноиблар таркибида ишончли бошқарув тизимини яратишга муваффақ бўлди. 1841 йил июнда Алоҳида Кавказ корпуси қўмондони генерал Е.Головин Ҳарбий министр А.Чернишевга хат ёзади: “Аниқ таъкидлай оламанки, Кавказда Шомилдек қайтмас ва хавфли душманга эга бўлмаганмиз. Шароитдан келиб чиқсан ҳолда, исломнинг илк давридаги Муҳаммаднинг қиличи Оламнинг учдан бирини эгаллаганидек, унинг хокимиюти ҳам юксак маънавий-ҳарбий кучга эгадир”.<sup>26</sup>

Ичкериядаги Дарго қишлоғи бошида имомнинг қароргоҳи, кейичалик эса, имоматнинг пойтахти бўлиб қолди. Озодлик учун қурашни қайтадан янги кўтарилишини олдиндан кўра билган Шомил ўз тарафдорларини теварак-атрофга юбориб, уларни ҳам қўзғолонга жал эта бошлади. Ҳозирча жанглар Чеченистонда бўлиб турган вақтда, Шомилнинг ўзи Доғистондаги ҳарбий ҳаракатларга етакчилик қиласар эди. 1840 йилларнинг бошига келганда у бутун Авария устидан хукмронлик қила бошлади, Ғози Кумух, Акушу, Ахти, Табасаранг юришларни амалга ошириди, кўплаб қалъаларни эгаллаб, бутун Шимоли-Ғарбий Кавказда юқори мавқени қўлга киритди. Қўзғолончиларнинг яқдиллик билан олиб борган ҳаракатлари натижасида рус қўшинлари Доғистон ва Чеченистонда сезиларли даражада йўқотишлар қилдилар.

Тоғликларининг давлати – имомат тарихий реалликни қўлга киритди,

---

<sup>26</sup> Казнев Ш., Имам Шамиль. - М., 2001. – С.99-100.

у давлатчиликнинг барча атрибутлариға эга бўлиб, нафақат Кавказ, балки ташқарида ҳам тан олина бошлади. Шомилнинг ишончли ноиблари ва диний уламолардан 1841 йилда ташкил топган Девонхона имоматнинг юқори мавқега эга бўлган ҳукумат идораси бўлиб хизмат қилди. Унинг функциясига бошқарувнинг умумий масалалари, ҳарбий ташкилотлар, ҳўжалик ишлари, суд ишлари устидан назорат киради. Имоматдаги қонунчилик шариат асосида олиб борилган. Ҳуқуқий масаларнинг ечими ва давлат идораларининг иш юритилиши “Низом”га асосан ҳал қилинган. Бу ҳуқуқий кодекс давлат бошқарувидаги раҳбарлар учун дастур бўлиб, унга кўра давлатнинг хавфсизлиги ва халқнинг фаровонлиги йўлида харакат қилганлар. Имомат територияси туманларга бўлинниб, уларнинг ҳар бирида Ноиблар бошчилик қиласр эди. Ноиблик юқори мавқедаги жамоат ва ҳарбий бошқарув бўлиб, у ўз навбатида вилоят раҳбари бўлган мудирга бўйсунган ҳолда фаолият олиб борилган.

Имоматда давлат идораларини молиявий ҳамда озиқ-овқат билан таъминлаш ва Россия империяси билан уруш олиб бориш мақсадида солиқ тизими ҳам ташкил этилган.

Шариат Фазначилигининг даромад манбалари бўлиб, улар орасида закон - йиллик ҳосил ва чорвадан фоиз йифиб олинади, шунингдек, нақд пул даромади ҳам бор эди.

Имомлик давлат тизими, одатда Доғистон ва Чеченистон ижтимоий-иктисодий ва сиёсий шарт-шароитлар билан мувофиқ келиб, халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган ижтимоий сиёsat анти-феодал кайфият аксарият инсонларнинг миллий ниятларига жавоб берар эди. Имомлик ташкил этилиши тоғликларнинг энг юқори ютуқларидан бири бўлди. Бу ҳарбий турдаги давлат эди. Ҳар бир вояга этган эркак ҳарбий хизматни лаёқатли деб топилди ва қўлида тайёр қуролда бўлиши керак эди.

Хал лашкарининг умумий аҳолиси 30-40 мингга етар эди. Ўз етакчилари бўлган 50, 100 ва 500 кишилик гурӯҳларга бўлинади.

Имомлик ҳарбий қисмларда орасида рус терма жамоаси ҳам бўлиб, улар қочоқ аскар ва урушнинг собиқ маҳбусларидин ташкил топган эди. Халқ армиясининг асоси Шомил ва унинг наибларида доимий хизматда бўлган мунтазам қўшин бирликлари “муртазеки”дан иборат эди.<sup>27</sup> Муртазекийлар куидагича танланган: ҳар 10 уй ёки оила аъзолари бир отлиқ жангчини доимий таъминлаб турганлар, кимни таъминлашни эса қишлоқ жамоати ҳал қилган.

Шомил армиясида ҳарбий унвонлар жорий этилди. Яхши хизмат қилган аскар ва қўмондонларга мукофот: шарафли қурол, кўкрак нишони ва нафақалар берилди. Порох, ядролар, ва кейинчалик пушка қуроли ишлаб чиқариш ташкил этилган. Буларнинг барчаси тоғликларнинг катта жанговар кучини орттириб, ва Шомил мудофаадан тобора ҳужумга боришга ҳам имконият яратиб бера бошлади.

Шомил тоғликлар армиясида интизом ва тартибни мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилди. НоибАхвердилавга И мом туриб буоради: “Қачон коғирларни мағлубиятга учратсангиз, на аёллар ва на болаларни ўлдирманг; ҳайвонларни кесиб йўқ қилманг, дарахtlар кесиб йўқ қилманг (улар озиқовқат учун сизга зарур бўлган ҳоллар бундан мустасно), ўзаро сулҳ тузища ҳеч қачон қачон алдаманг”.<sup>28</sup> И мом ва унинг ҳамроҳлари томонидан ўтказилган ислоҳотлар билан шу қадар муваффақиятли эдики, 1842 йилдаёқ Ислом, эркинлик ва мустақиллик ғоялари илҳомланиб Кавказ миллий армияси қисмлари императорнинг аскарлари қарши кураш олиб бора олар эди.

1842 йилнинг баҳорида Шомилнинг қўшинлари Гази Кумухское хонлигига юриш қилди, маҳаллий аҳоли томонидан иштиёқ билан кутиб олинди. 28 марта Кумухга яқин рус қалъаси эгалланди ва унинг гарнizon қўлга олинди. Ғози Кумух хонлигининг эгалланиши муносабати билан

<sup>27</sup> Дегоен В., Имам Шамиль: пророк, правитель, воин, - М., 2001.- С.89.

<sup>28</sup> Казнев Ш., Имам Шамиль. - М., 2001. – С.269-270.

Шамил чечен халқига мурожаат қилиб, чеченлар ёрдами учун миннатдорлик билдириди. Шу вақтга келиб, генерал П. Граббе катта бир гурух билан Шомилнинг пойтахти Дарго устида юриш учун тўпланди. Отряд тоғликларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Қўшин ўта зич ўрмондан ўтишга мажбур эди, шунингдек чечен ва Доғистонлик кўнгиллилар тинимсиз орқадан хужумлар уюштирадилар. Деярли ярим куч холадн тойганлиги юришни тўғтатиб қўяди. Касал ва ярадор сони доимий ошиб боради. Кейинги ҳаракатни самарасиз қўриб, П. Граббе чекинишга қарор қиласди. Нихоят, тоғликлар фидокорона жанг қилган катта тўқнашув бўлади. Руслар заиф ҳимоя қилишади. Улар ваҳимага тушиб, улар, қуролларини ва молкмулкини, ярадорларни ташлаб қочиб кетадилар.

Ўз генералларидан қониқмаган император Кавказ корпусига генерал А. Нейдгардтни янги қўмондон этиб тайинлайди. Доғистон ва Чеченистон етакчиларини жисмоний бартараф қилиш мақсадида жосуслар тармоғи ишга солинади.

Бироқ Доғистон Халқ Озодлик Армиясининг кенг кўламли ҳаракатини рус маъмурияти олдини ололмади. 1843 йил 27 августда 10000 кишилик Шомил армияси Аварияга юриш бошлади. Унцукуль, Баплахани, Тануси каби йирик қишлоқлар, Цатанихе яқинидаги русларнинг тқароргоҳи, Аҳалъчи, Эски ва Янги Гоцатле ва бошқа рус қўрғонлар фатҳ этилди. Уч ҳафта давомида Шомил деярли бутун Аварияни эгаллади, юзлаб маҳбуслар, бир неча қурол ва тўплар қўлга киритилди, 11 пиёда ротаси йўқ қилинди. Доғистон исёнчилар муваффақиятлари Россия қўшинларига нисбатан бетараф бўлган Даргинларни қўшилишга даъват қиласди. Машҳур ноиб Кебеде Муҳаммад Каспий денгизи соҳилидаги чиқиб Қуий қароргоҳни қамал қиласди, Ҳожимурод отряди маҳаллий Аракани қишлоғини эгаллаб, Авар хонлигининг барча йўлларини беркитиб қўйди. Шундай қилиб, 1843 йилда исёнчи тоғликлар улкан муваффақиятларга эришдилар. Имомлик худуди икки баробар кенгайиб, Доғистон ва Чеченистон текислигининг бир

қисмигина руслар қшли остида сақланиб қолганди. Шимолий-Шарқий Кавказ император ҳукумати назоратидаги ерлар анча камайиб кетганди. Кавказ қўшимча кучлар жойлаштирилди. 1844 йилнинг баҳорида Нейдгардт Доғистон ва Чеченистон халқларига қатл ва қишлоқлар вайрон қилиш шарти билан таҳдид қилиб мурожаат қилди. Шамил фаол мудофаа тактикасини танлайди. Чеченистондаги Табасаранг ва Кайтагага юриш бошланади. 1845 йил июнь бошида Шомилнинг томонига Грузия билан чегарадаги Элисуйск султонлиги ҳукмдори рус генерали Даниал ўтади. Мужоҳидлар унинг ўтишини муҳим сиёсий ғалаба деб ҳисобга оладилар. Шомил шараф билан кутиб олиб, уни тўрт ноиблик мудири этиб тайинлайди.

Император Николай I генерал А.Нейдгардтнинг пассивлиги ва оммадсизлиги учун уни вазифаксидан озод қилиб, унинг ўрнига Кавказдаги бош қўмондон ва ўзининг вакили этиб граф М.Воронцовни тайинлайди. 1845 йилнинг биринчи бош вазифаси қилиб, исёнкор Шомил эгаллаган тоғ ҳудудинингчкари қисмларига кириб бориш қўйилади. 1845 йил 3 июня рус қўшинлари Гумбет ва Андий қишлоқлари томон юриш бошлайдилар. 14 июня андий қишлоғи эгалланади. Шу ерда озиқ-овқат таъминотини кутиб олиш учун воронцов бироз муддат тўхтаб қолади. Рус қўшини ёмғирли тоғ хавосидан ҳам озор чекар эдилар. Атрофдаги қишлоқлардан эса тоғликлар бор нарсаларини олиб қўчиб кетган эдилар. Тоғликларнинг отрядлари русларни доим безовта қилиб тураг эдилар. Ва ниҳоят, июль бошига келиб, 9500 кишилик қўшин Шомилнинг пойтахти томон юриш бошлайди. 1845 йил 7 июня тоғликлар тинимсиз қаршилик қўрсатган холда, қишлоқни ёқиб юбордилар ва Даргони ташлаб чиқиб кетдилар. Шу куни руслардан 36 киши ўлдирилди: 1 генерал, 3 офицер, 28 солдат ва 4 милиционер, 137 киши ярадор бўлади, 32 аскар контузия бўлади. Даргони ташлаб чиқиб кетаётган тоғликлар чекиниш пайтида ҳам қисқа хужумлар қилиб турдилар.

Экспедициянинг бош мақсади – имоматнинг пойтахти ва Шомилнинг қароргохини эгаллаш масаласи кўп талофатсиз бажарилади. Аммо Даргони

эгаллаган руслар қуршовда қоладилар. Андидан заҳира олиб келаётган генерал Клюгенау қўшини чеченлар пистирмасига дуч келиб, катта талофатлар беради. Имомга ёрдам бериш учун Догистон ва Чеченистондан янги-янги кучлар кела бошлайди. Воронцов ўзининг холатини анча мушкуллигини ҳисобга олган холда, Дарго қишлоғини тарқ этади. Аксай дарёси оқими бўйлаб қуйига ҳаракат қиласди. Қўшиннинг руҳий холати тобора ёмонлашиб борар эди. Шу билан бир вақтда генерал Фрейтаг қўшини Воронцов томон ёрдамга кела бошлайди ва уни мағлубиятдан сақлаб қолади. 20 июлда қўшин Герзель овулига етиб келадио Унинг талофати шундай эди: 308 киши ўлган, 857 киши ярадор бўлганди. 1845-1846 йилларнинг қишида Шомилга қарши бешта йирик қўшин ташкил этилади. Бунга қарши ўларпок, Шомил кураш ҳудудини кенгайтиришга ҳаракат қиласди. 1846 йил 16 апрелда Шомил 15000 кишилик қўшини билан Кичик Қабарда томон юриш қиласди. Аммо махаллий князлардан беш нафаригина Шомил томонига ўтадилар.

1847 йил июнда Воронцов раҳбарлигидаги анча кучли қўшин Гергебель қишлоғини эгаллашга ҳаракат қиласди, аммо зафарга эриша олмайдилар. Қишлоқ 52 кун ҳимоя қилинади, руслар томонидан тинимсиз замбараклардан ўққа тутилади. Ва ниҳоят, 7 июлда тоғликлар чекинадилар. Руслардан 351 киши ўлади ва ярадор бўладилар. Шомил ташаббусниқшлга олиш мақсадида 12000 киши билан 15 сентябрда Ахта қишлоғига етьиб келади. Икки ўртада тинимсиз жанг ҳаракатлари олиб борилади. Шомил ортга чекинади ва шу билан 1848 йилги ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилади.<sup>29</sup>

1849 йилда Шомилнинг ноиби Хожимурод 14-15 апрель кунлари Темих-Хан-Шўро шаҳрини қўққисдан ҳужум билан эгаллайди. Бу нарса руслар орасида вахима уйғотади. Аммо, руслар қарши ҳужумлар уюштиришлари натижасида Шомил Чоҳ қишлоғидан чекинишга мажбур бўлади. Бу ҳаракатларда генерал М.Аргутинский қўшини фаол қатнашади.

Катта талофатлар натижасида Шомил ташқаридан ёрдам олишга

<sup>29</sup> Дегоен В., Имам Шамиль: пророк, правитель, воин, - М., 2001.- С.189-190.

ҳаракат қиласы. У Ұсмонийлардан ёрдам сўрайди. Аммо етарли даражада ёрдам ола олмайди.

1850 йилнинг баҳорига келиб, асосий ҳарбий ҳаракатлар Ғарбий Кавказда олиб борилади. Руслар деярли мудофаа ишларини олиб борадилар.

1851 йилга келиб Чеченистонда яна ҳарбий ҳаракатлар бошланади. Гамаши қишлоғида Шомил талофатга учрайди. Хожимуроднинг Табасаранг юриши ҳам муваффақиятсиз чиқади.

1851 йил ноябрда Хожимурод руслар томонига ўтади. У Тбилисига юборилади. 1852 йил 22 апрелда Хожимурод у ердан қочаётган вақтда ўлдирилади.

Шу билан бирга, Шомил ўз курашини давом эттиради. 1851 йил охирида 200 киши билан ноиби Бук Мұхаммадни Доғистонга юборади. Аммо у ерда русларнинг кучли ҳаракатига дуч келади ва чекинишга мажбур бўлади. 1851 йил кузидаги асосий ҳаракат – княз А.Барятинский билан Гехин дарасидаги жанг бўлиб ҳисобланади. Бу жангда Шомилнинг ўзи ҳам оддий жангчилар қаторида бўлади. Жанг натижасида тоғликлар чекинадилар.

1852 йил баҳор-ёз ойларида Шомил Доғистон ва Владикавказда кураш олиб боради.

1853-1859 йиллардаги учунчи босқичда тоғликларнинг ҳаракати борган сари заифлашиб боради.

1853 йилда Ұсмонийлар билан низога кирган Россия давлати Кавказдаги актив ҳарбий ҳаракатларини бироз сусайтиришга мажбур бўлади. Бу вазиятдан Шомил фойдаланиб қолмоқчи бўлади. Жанубий Доғистонда яна қаршилик ҳаракатини олиб боради. 1853 йилда 15000 киши билан Шомил Эски Закатали қишлоғига юриш қиласы, аммо уни эгаллай олмайди. 1854 йилнинг ёзида 15000 киши билан Кахетияга юриш бошлайди.

1854 йил 29 ноябрда Кавказга граф Н.Муравьев етиб келади ва имом Шомил билан музокараларни оли боради. Бу музокаралар ҳақида расмий ҳужжатлар сақланиб қолмаган.

1856 йилга келиб рус қўшинлари сони 225253 кишига етган ҳолда, Шомилда 40000 атрофида лашкари бор эди.

1856 йил кузида Чеченистонга қарши кенг қамровли хужум ҳаракатлари бошланди. 1857 йил ёзига келиб 20га яқин ахоли пунктлари руслар ихтиёрига ўтади. Имоматнинг барча ҳудудида жанг ҳаракатлари олиб борилади. 1858 йил охирига келганда Шомилнинг ихтиёрида фақатгина Ичкерия қолади холос.

Имомат пойтахтини эгаллаш учун генерал Н.Евдокимов ўз қўшинини уч қисмга бўлиб, ҳарбий ҳаракатларни олиб борди. 19 марта келиб пойтахт қамал ҳолатига тушурилади. 1859 йил 1 апрелда тоғликлар у ердан чекина бошлайдилар. Пойтахтни тарк этган Шомил Доғистонда ўз курашини давом эттиromoқни ният қиласди.

1859 йил 9 август куни гуниб бутунлай қамал ҳолатига тушиб қолади. Генерал А.Врангель қўшинида катта миқдорда ҳарбий қурол-аслаҳалар бор эди. Шомил 17 августа музокара олиб боришни бошлайди. Унга оиласи билан Маккага хаж сафариқилишга вайда берилади. 24 августа генерал А.Барятинский қўшини асосий ҳал қилувчи хужум амалга оширади.

Гунибга музокара олиб бориш учун полковник М.Лазерев юборилади. Шомил таслим бўлади.<sup>30</sup>

Кейинчалик, шомил ўз оиласи билан Калуга ва Киевда яшайди. 1869 йилда Арабистонга бориб, хаж сафарини амалга оширишга руҳсат берилади. Имом Шомилнинг бу сафари Усмонийлар ҳудидидан ўтаётганида, уни тантана билан кутиб олишади. Ҳатто, Усмонийлар султони уни ўз саройида дабдаба билан қабул қиласди.

Хзаж амалларинибажарган Шомил ўз оилаис билан маълум бир вақт Маккада яшайди. 1871 йилда у вафот этади ва пайғамбарнинг амакаси дағн қилинган қабристон – Жаннат ул-Боқияга дағн қилинади.

Доғистон ва Чеченда Россия тажовузига қарши қаҳрамонона

---

<sup>30</sup> Дегоен В., Имам Шамиль: пророк, правитель, воин, - М., 2001.- С.301.

курашлар бир неча ўн йилларга чўзилди. Шаҳсан Шомил бошлиқ ватан ҳимоячилари салкам ўттиз йил мобайнида Россия империяси билан уруш ҳолатида бўлди. Бу халқ оммасининг ватанига ўта содиклиги, жасорат ва мардлигининг ёрқин намунаси ҳисобланади.

## **ХУЛОСА**

Биз ўрганишга ҳаракат қилган мавзу, яъни “Кавказ халқарининг 1825-1860 йилларда олиб борган миллий-озодлик кураши” мавзуси нафақат Кавказ халқлари тарихида, балки жаҳон тарихидаги долзарб мавзулардан бири саналади. Бунга сабаб Кавказ халқлари тарихидаги бу жуда ҳам қисқа давр, яъни XIX асрнинг иккинчи чораги мобайнида қўплаб тарихий воқеа-ходисалар рўй берган-ки, буларнинг барчаси Кавказ халқлари тарихининг кейинги тараққиёт жараёнига ўзининг таъсирини сезиларли даражада кўрсатганлигини яққол кўришимиз мумкин.

Мавзуни ўрганиш мобайнида XIX асрнинг иккинчи чорагида Кавказ халқлари тарихидаги муҳим даврлардан бири эканлигига амин бўлдик ва ўзимизнинг қуидаги хulosаларимизга келдик:

Кавказ урушлари - бу, Кавказни босиб олиш учун Россия империясининг олиб борган урушлари (XVIII-XIX асрлар). Пётр давридаёк, Россия Кавказни эгаллаш учун ҳарбий ҳаракатларни бошлаган эди. Дастреб Догистоннинг денгиз соҳилидаги худуди ва Шимолий Озарбайжонни босиб олди (1722-1723 йиллар). Россия-Туркия уруши (1768-1774 йиллар) натижасида Кабарда узил-кесил Россияга ўтди. 1783 йилда Россия Шарқий Грузияни эгаллади. 1802-1806 йилларда Ғарбий Грузия, Осетия ва Озарбайжоннинг қолган қисми, 1810 йилда Абхазия Россия томонидан босиб олинди.

Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Чечен, ва бошқа жойлар иқтисодий ва ҳарбий стратегия жиҳатдан Туркия, Эрон ва Россия учун катта аҳамиятга эга эди. Шунинг учун Кавказ узоқ йиллар мобайнида ўша давлатларнинг жанг майдонига айланган эди. Кавказ Эрон ва Туркия узоқ вақт ҳукмронлик қилган эди.

Бироқ XVIII асрнинг охирларига келиб, Россия Кавказни босиб олишга киришди. Аммо маҳаллий халқлар мустақиллик ва озодлик учун

имкони борича Россияга қарши курашдилар. Бироқ уларни бошқаришга қодир кучли шахс топилмаганлиги ва ҳукуматнинг ўта заифлиги сабабли ғалабага эриша олмадилар. Бунга Эрон билан бўлган урушлар ҳам ўз таъсирини кўрсатди. 1795 ва 1797 йилларда Эрон ҳарбий юриш уюштириб, Азербайжан ва Тибилисини эгаллади.

Бундай фурсатни орзиқиб кутаётган Россия Кавказга ҳарбий қўшин киритиб Дарбандни, Бокуни, Гянжинни, Қорабоҳни, Ширвон ва Шакинни босиб олди.

Афтидан, бу ерларда қўшинни ушлаб туришга зарурият бўлмаса керакки, император Павел I уни Россияга қайтарди.

Бироқ, XIX аср бошларидан Россия Кавказни босиб олишга қаттиқ киришди. Чунки у ерда Эрон ва Туркия хукмронлиги ўрнатилишига йўл қўймаслик зарурияти туғилган эди.

Натижада, 1801-1815 йилларда Россия Озарбайжон ва Грузиянинг кўп қисмини ва Қора денгиз қирғонининг айрим жойларини босиб олди. 1816-1829 йилларда Шарқий Арманистон ва Қора денгиз қирғонининг бир қисмини эгаллади. 1816-1829 йилларда Рус давлати Шарқий Арманистон ва Қора денгиз қирғоқларининг катта қисмини қўлга киритди. XIX асрнинг 20-60-йиллар орасида Россия Кавказни томонида бўйсундирди. Бу ғалаба осонликча қўлга киритилгани йўқ, албатта. Аввало, маҳаллий халқларнинг курашини бартараф қилиш билан бир қаторда, Кавказда хукмронлик учун 1804-1813 ва 1826-1828 йилларда Эрон, 1806-1812 ва 18-28-1829 йилларда Туркия билан жанглардан кейингина Кавказ қўлга киритилган эди.

Россия Кавказни босиб олишда кўпроқ Эрон ва Туркиянинг қаршилигини тор-мор этиш билан шуғулланди. Уларнинг ўзаро олиб борган урушлари орқасида Кавказ халқларидан минг-минглаб кишилар ўлдирилди, шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлиб, катта талофатларга мубтало бўлинди. Шундай қилиб, Россия дунёнинг гўзал минтақаларидан бирини босиб олиш билан бирга, қора денгиздаги хукмронлигини янада мустаҳкамлашга

мувофиқ бўлган эди.

Рус давлати гарчанд Кавказнинг асосий жойларини босиб олган бўлса-да, лекин Доғистон ва Чеченни қўлга кирита олмади. Хатто ҳарбий юришларнинг самараси бўлмай, мағлубиятга учраган вақтлари оз эмас эди.

Бу вақтларда Доғистон ва Чечен Кавказнинг босқинчилариға қарши кураш марказига айланган эди. Улар кичик ва халқи оз бўлишига қарамай, ватанпарварлиги ва жанговорлиги ниҳоятда кучли бўлганлиги учун Россиядек қудратли империяга қарши қаҳрамонларча жанг қилиб, ғалабаларни қўлга киритган эди. даставвал мустақиллик ва озодлик учун кураш 1830 йилда Доғистон Имом Ғози-Муҳаммад бошчилигидаги бошланганди. Ўша йили рус қўшини мағлубиятга учратилиб, Имом Ғози-Муҳаммаднинг мавқеи ва обрўйи ошди. 1831 йилда у Туркия ва Қизилларни босиб олиб, кучига –куч қўшилди. 1832 йилда Ғози-Муҳаммад рус қўшини билан бўлган жангда халок бўлди.

Шундан кейин унинг ўрнини эгаллаган Имом Ғамзатбек куразшни давом эттириб, бутун Доғистон ва Азарияда мавқеини мустаҳкамлашга эришди. Аммо 1834 йилда душманлари томонидан ўлдирилди.

1834 йилда Имом унвонига сазовор бўлган Шомил сиёсий майдонга чиқди. У 1797 йилда Доғистондаги Унцукул туманида туғилиб, ёшлиқ вақтларида ёқ ўзининг ақл-идроқи ва истеъоди, жасорати ва уддабуронлиги билан элга танилган эди.

Аввало, у қўшиннинг ҳарбий қуроллари билан таъминлашга ва жанговорлигини оширишга катта аҳамият берди. Ўзларида ишлаб чиқарилган тўпларнинг сонини 50 тага етказди.

Натижада, Доғистон ва Чеченни ўз ичига олган анча кучли давлат юзага келган эди. Шунинг учун ҳам рус қўшинларининг устидан бир неча маротаба ғалабага эришган эди.

1837 йилда Шомил бошчилигидаги ватан ҳимоячилари генерал К.Фези қўмондонлик қилаётган рус қўшинини мағлубиятга учратди. Шу

боис, генерал Шомил билан тинчлик сулухини тузишга мажбур бўлди. Аммо 1839 йилда рус ҳукумати тинчлик сулухини бузиб, ҳарбий юришни бошлаб юборди. Чеченнинг ўзида ҳам Рус давлатига қарши кураш бошланиб, ватан ҳимоячилари Лазарев, Вельминов, Михайлов ва Николаев сингари рус истеҳкомларини босиб олдилар, бироқ кўп ўтмай, рус қўшини Чеченни эгаллашга эришди. Чеченлар эса Шомил қўшинига қўшилиб, биргаликда курашни давом эттиридилар.

1840-1843 йилларда Шомил жангда рус қўшинини бир неча маротаба мағлубиятга учратди. Бу вақтда аскарлари 20 минг кишига етказилди. 1845 йилдаги тўқнашувда ҳам ватан ҳимоячилари ғалабани қўлга киритдилар. Кавказдаги ҳарбий қисмларнинг офицер ва солдатларини 200 минг кишига етказди. Бу вақтга келиб, кўп йиллар мобайнидаги жангларда қўрилган талофатлар ва ташқаридан ёрдам берилмаганлиги орқасида Шомил қўшинининг ахволи анча оғирлашган эди.. шунга қарамай, ватан ҳимоячилари курашишдан юз ўгирмади.

1854-1856, 1856-1859 йилларда ватан ҳимоячилари ва рус қўшини ўртасида жанглар бўлиб, пировардида 1859 йилда ватан ҳимоячилари тор-мор этилиб, Шомил асир олинди.

Бироқ шимоли-ғарбий Кавказ ватан ҳимоячилари курашни давом эттиридилар. 1862 йилда уларга қарши рус қўшининг сони 60 минг кишига оширилди. 60-70 йиллар орасида ватан ҳимоячилари билан жанг қилинди. Ўша йилларнинг охирида Россия томонидан Чечен, тоғли Доғистон ва шимолий Кавказ тамомила эгалланди. Шомил эса асир олинди. Шомил, аввал Калуга шахрига, сўнг Киевга сургун қилинди. Унга Мадинага хажга боришга руҳсат берилди. 1871 йилда у бу ерда вафот этди. Доғистон ва Чеченда Россия тажовузига қарши қаҳрамонона курашлар бир неча ўн йилларга чўзилди. Шаҳсан Шомил бошлиқ ватан ҳимоячилари салкам ўттиз йил мобайнида Россия империяси билан уруш ҳолатида бўлди. Бу халқ оммасининг ватанига ўта содиқлиги, жасорат ва мардлигининг ёрқин

намунаси ҳисобланди.

Кавказ халқлари курашидаги машхур шахслардан яна бири Ҳожимурод бўлган. Ҳожимурод (XVIII аср охири - 1852.23.4) - Кавказ халқларининг подшо Россиясига қарши кўтарган мянглий озодлик ҳаракати раҳбарларидан бири, Шомилнинг ноиби.

Авар хонларига яқин хонадонда туғилган ва тарбияланган. Имом Ҳамзатбекка қарши чоризм томонидан уюштирилган сүйкесдда фаол қатнашган (1834). Ҳамзатбекнинг ўлимидан сўнг, чор Россиясининг ишончли одами Аҳмадхон Мехтулин билан биргаликда Авар хонлигини бошқарган. Аҳмадхон Мехтулин юбориб турган маълумотларга асосан, Ҳожимурод маҳфий равишда Шомил билан алоқа боғлаганлиқда айбланган ва рус маъмурлари томонидан қамоқقا олинган (1836 йил). У қамоқдан қочиб, Селмес овулига ўрнашган. Тоғликларнинг озодлик курашига қўшилиб, Шомилнинг энг яқин сафдошлари ва ноибларидан бирига айланган. Жасур ва қатъиятли шахс сифатида подшо қўшинларига қарши кўплаб жангларда қатнашиб, шухрат қозонган ва партизан урушида ўзининг бутун ҳарбий қобилиятини намойиш қилган. Имомлик ичидағи баъзи тартиблар, русларга қарши уруш тактикаси ва стратегияси масалаларидаги ихтилофлар, шунингдек, Ҳожимурод характерида мавжуд такаббурлик ва манманлик натижасида у билан Шомил ўртасидаги муносабатлар бузилган. 1851 йил 23 ноябрда Ҳожимурод руслар томонига ўтган, бироқ 1852 йил апрелда улардан қочиб, тоққа кетган ва Нуҳа шаҳридаги отишмалар пайтида ўлдирилган. Ҳожимуроднинг фожиали ўлими рус ёзувчisi Л. Н. Толстойнинг "Ҳожимурод" (1896-1904) қиссасида ўз аксини топган.

Хулоса қилиб айтганда, Доғистон ва Чечендек бир кичик мамлакатнинг Россиядек қудратли давлатга бас келиши кишини ҳайратлантиради.

Шубҳасиз, ватан ҳимоячиларининг унутилмас жасорати ўз халқи хотирасида абадул-абад яшайди.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т-2. - Т.: “Ўзбекистон”. 1996.
2. Каримов. И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари. - Т.: “Ўзбекистон”.1997
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.: “Шарқ” 1998
4. Каримов И.А. Юксак маънавият–енгилмас куч. - Т.: “Маънавият” 2008
5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: “Ўзбекистон”. 2011.
6. Ўзбекистон Республикаси ФА қошидаги Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори // Халқ сўзи.1998. 28 июль.
7. Ахмад Мухаммад Турсун. Зукколар китоби. - Т.: Мухаррир, 2010
8. Бекмуҳамедов X. Тарих терминлари изоҳли луғати. - Т.: Ўқитувчи. 1978.
9. Головатенко А. История России: спорные проблемы. - М.,1993.
- 10.Дегоен В., Имам Шамиль: пророк, правитель, воин, - М., 2001.
- 11.История России. Под редакцией А.Н. Сахарова. - М., 2006.
- 12.История России. С древнейших времен до 1861 года. - М., 2000.
- 13.История Отечества: люди, идеи, решения. - М.,1991
- 14.История России под. Ред. М.Н.Зуева и А.А .Чернобаева. - Москва, «Высшая школа» 2001
- 15.История России . М., 2002
- 16.Жаҳон мамлакатлари. Қисқача маълумотнома. Т. 2006.
- 17.Зиёев X. Россиянинг Қозон, Астрахан, Сибир, Крим, Кавказ ва Туркистонга тажовузи ва хукмронлигига қари курашлар. – Т.: Янги аср авлоди. 2012.

- 18.Казнев Ш., Имам Шамиль. - М., 2001;
- 19.Карпилов А.А. Курс истории России. - М., 1991
- 20.Ключевский В. Краткое пособие по русской истории. - М., 1991
- 21.Орлов А. Георгиев В, Георгиева Н, Сиховина История России - М., "Проспект" 2001
- 22.Павленко Н.И. и др. История России. - М., 1992
- 23.Социальная история России. Том II. Под общей редакцией В.И.Жукова. -М.: Изд. МГСУ 1998.
- 24.Тарле Е.В. История XIX века. - М.: 1939.
- 25.Хрестоматия по истории СССР . - М., 1987

### **Интернет манзиллари**

- <http://www.grid.rug.nl/ahc/>
- <http://www.Librory.Byu.edu/-rdh/eurodocs/>
- <http://www.history.hanover.edu/texts.htm>
- <http://www.ucr.edu/h-gig/horuslinks.html>
- <http://www.english.hss.cmu.edu/history>
- <http://www.ukans.edu/history/vl/>
- <http://www.lib.muohio.edu/inet/subj/history/wwii/index.hrml>
- <http://www.lib.byu.edu/-rdh/wwl/>
- <http://classics.mit.edu>.
- <http://www.washlaw.edu/forint/>
- <http://www.yole.edu/Lawweb/avolon.htm>